Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

46-йил чиқиши
№ 155 (12.809).
5 ИЮЛЬ 1964 ЙИЛ
ЯКШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

«БАШКИРИЯ» СССРГА ЙЎЛ ОЛДИ

Н. С. ХРУЩЕВ НОРВЕГИЯДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

ОСЛО, 4 июль. (ТАСС махсус мухбирлари). СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг Норвегияга қилган расмий визити тугади. Бугун Норвегия пойтахти ҳурматли совет меҳмонини тантанали суратда кузатиб қолди. Н. С. Хрушчевга ва унга ҳамроҳ бўлган кишиларга оқ йўл тилаб қолиш учун Норвегиянинг Бош Министри Эйнар Герхардсен, министрлар, Осло шаҳрининг мэри Б. Булль, дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари ва бошқа кўпгина кишилар пристанга келдилар.

Норвегия Совет ҳукумати бошлиғига: Оқ йўл, сафарингиз бехатар бўлсин, деб қолди.

АМЕРИКА ХАЛҚИГА ЯХШИ ТИЛАКЛАР

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Америка Қўшма Штатларининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан АҚШ президенти Линдон Б. Жонсонга телеграмма юбориб, Америка халқига ва шахсан президентга қутловлар ҳамда яхши тилаклар йўллашди.

(ТАСС).

Ғалла фронтида

БИР МИЛЛИОН ПУД ТАЙЁР!

Тошкент области ғаллакорлари она-Ватанга 5 миллион пуд дон етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Пойтахт область ғаллакорлари дастлабки бир миллион пуд донни давлат омборларига тўкдилар.

ИЛҒОРЛАР РАПОРТИ

Сурхондарё область, Шўрчи бошқармаси хўжаликлари давлатга дон сотиш йиллик планининг муддатидан илгари бажарилганлиги ҳақида ғалаба рапорти бера бошладилар.

Бошқармадаги йирик хўжаликлардан ҳисобланган Охунбобоев номли колхоз дон топшириш планини биринчилар қаторида адо этди. Давлатга пландаги 1280 ўрнига, қарийб 1500 центнер дон етказиб берилди.

Шунингдек, «Ленинград», Энгельс номли, «Ленинизм» колхозлари ҳамда «Комсомол 30 йиллиги» совхози ҳам дон сотиш планининг оширилиб бажарилганлиги тўғрисида рапорт бердилар.

Б. МЕЛИКОВ.

НОРПОЙ ҒАЛЛАКОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

ЗИРАБУЛОҚ. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Норпой бошқармаси хўжаликлари тайёрлов пунктларига 68 минг пуд дон топшириб, Самарқанд областида биринчи бўлиб маррага етдилар. Ғалла тайёрлаш йиллик плани муддатидан олдин 107 процент бажарилди.

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Ўзбекистон ССР областларида дон тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1964 йил 4 июлга бўлган МАЪЛУМОТ
(Мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Мавсумда	Бир кунда
Қашқадарё	45,8	3,0
Сирдарё	43,9	3,7
Андижон	39,3	3,0
Фарғона	36,5	1,8
Сурхондарё	34,4	2,6
Бухоро	25,3	0,9
Тошкент	19,6	3,5
Самарқанд	13,3	2,3

ДЎСТЛИК САФАРИНИНГ СЎНГГИ КУНИДА

ОСЛО, 3 июль. (ТАСС махсус мухбирлари). Совет ҳукуматининг бошлиғи бугунги куни норвеж викингларининг қадимги кемалари қўйилган музейни бориб кўришдан бошлади. Норвегия Бош Министри Э. Герхардсен музейга Совет ҳукуматининг бошлиғи ва бошқа совет меҳмонлари билан бирга борди.

Маълумки, Русда варяглар, Ғарбий Европада эса норманнлар номи билан юритилган викинглар асосан талончилик қилиш мақсади билан денгиз орқали узоқ жойларга бориб турган. Ана шу денгизчилар қандай кемалардан фойдаланган экан, деб тарихчилар узоқ вақтгача бош қотириб келар эдилар. Бу жумбоқ 1880 йилда ечилди. Ўша йили Осло-Фьорддан ғарбдаги Гокстад фермасида «король қўрғони» кавланиб, унинг ичидан яхши сақланиб қолган бир қайиқ топилди. Қайиқнинг узунлиги 24 метр, эни 5 метр, сувга чўкиш чуқурлиги 1,7 метр эди. 1892 йилда норвежлар айни шундай кемага ўхшаш бир қайиқ ясадилар. Ўша қайиқнинг командаси Атлантик океанни кесиб ўтишга муваффақ бўлди.

Кейинчалик яна иккита қайиқ топилди. Ҳозир ана шу учала қайиқ бугун Н. С. Хрушчев бориб кўрган музейга экспонат қилиб қўйилган.

Музейни кўздан кечиргандан кейин Н. С. Хрушчев, Э. Герхардсен ва бошқалар кичкина бир оқ уйчага келишди. Бу уйнинг асосий диққатга сазовор бир нарсасини ҳозир бутун дунё билади. «Кон-Тики» номли машҳур сол мана шу ерда сақланади. 5 норвеж билан бир швед Жанубий Америка соҳилларидан Тинч океан оролларигача давом этган ўзининг машҳур саёҳатини шу солда ўтказган эди. Ўша ажойиб экспедициянинг ташаббускори Тур Хейердал музейга кира беришда Совет ҳукуматининг бошлиғини кутиб олади. У, ҳурматли меҳмонни кутламоқ учун атайлаб Италиядан Ослога келган. Н. С. Хрушчев Полинезия оролларининг аҳолиси аслида Америкадан келиб чиққан деган ўз назариясини исботламоқ учун ана шу омонат солда ўз ўртоқлари билан бирга океанда 4300 денгиз миляси давом этган саёҳатнинг ҳамма қийинчиликларини енгиб ўтган бу мард одам билан самимий саломлашади. Таққослаш учун шуни айтиш кифояки, бу йўлнинг узунлиги Колумб ўзининг Вест-Индия оролларига қилган дастлабки сафари вақтида босиб ўтган йўлдан икки баравар ортиқ бўлиб, Москва билан Чикаго ўртасидаги тикка масофага тахминан баравардир. Тур Хейердал билан унинг дўстлари Тинч океаннинг сертўлқин сувлари узра 101 кун сузишган. Улар сира кўзда тутилмаган минглаб қийинчиликларга учрасалар ҳам, лекин ўз мақсадларидан бир қадам ҳам чекинишмаган ва мана энди ана шу мард одамларнинг тўққизта базальт ходадан иборат омонатгина соли музейда турибди, неча ўн минглагча томошабинларни қойил қолдириб, уларнинг эътиборини ўзига тортяпти.

Т. Хейердал Никита Сергеевич Хрушчевга ўз саёҳатининг таърифини гапириб беради.

— Мен, Совет Иттифоқида китобим оммалашиб кетганини кўриб ҳайрон қолдим, — дейди Хейердал.

Н. С. Хрушчев бунга жавобан, бизнинг мамлакатимизда ҳойнаҳой «Кон-Тики»даги саёҳат»ни ўқимаган одам биронта ҳам йўқдир, дейди.

Н. С. Хрушчев, Э. Герхардсен, Т. Хейердал музейнинг қуруқ аквариум сақланаётган қуйи қаватига тушишади. Тинч океан сувларидаги саёҳат вақтида «Кон-Тики» остида нималар бўлганини шу ерда кўриш мумкин. Аквариумнинг ўртасида дунёда энг катта балиқ — кит акуласининг тулупи бор. Унинг олти мингта ўткир тиш билан қуролланган баҳайбат оғзи очиқ туради. Акула шу топда тепага чиқиб қолса, жасур саёҳатчиларга омонлик бермайдигандек туйилади.

Т. Хейердал музейнинг Пасха оролига қилинган саёҳатга алоқадор залларини Совет ҳукумати бошлиғига кўрсатади. Совет кишилари Т. Хейердалнинг бу экспедициясини ҳам унинг «Аку-аку» китоби орқали яхши билишади.

Машҳур тадқиқотчи музейни келиб кўргани учун Н. С. Хрушчевга чин юракдан миннатдорчилик билдириб, «Кон-Тики»нинг кичкинагина моделчасини эсдалик тариқасида унга ҳадя қилади. Никита Сергеевич Т. Хейердал билан илиқ хайрлашиб, унга сиҳат-саломатлик, янги ижодий ва илмий ютуқлар тилайди.

Меҳмонлар «Кон-Тики» музейидан чиқиб, шу ерга ёнма-ён жойлашган каттагина бир иморатга кирадилар. Норвежлар азиз тарихий ёдгорлик бўлган «Фрам» кемасини ана шу иморат ичида сақламоқдалар.

Ўтган асрнинг охирларида қурилган бу кема машҳур норвеж сайёҳлари ва тадқиқотчиларидан Фритьоф Нансен, Рауль Амундсен, Отто Свердруп раҳбарлигида қутбга қилинган саёҳатлар натижасида шуҳрат таратган. Викингларнинг қайиқлари ва «Кон-Тики» соли сингари у ҳам Норвегия пойтахтининг диққатга сазовор ёдгорликларидан бири бўлиб, неча минглаб чет эллик туристларнинг эътиборини ўзига тортиб келаётган марказ ҳисобланади.

Музейга кира беришда Н. С. Хрушчев билан унинг ҳамроҳларини, Э. Герхардсен ва бошқа меҳмонларни бош консул Э. Рингнес кутиб олади. У, Нансен фондининг раисидир. Унинг ота-боболари Ф. Нансен билан биргаликда «Фрам» кемасида ўтказилган экспедицияларда қатнашган.

Э. Рингнес ҳурматли совет меҳмонини чин юракдан қутлаб, Н. С. Хрушчевга «Фрам» кемаси тўғрисидаги китобни ҳадя қилади. Меҳмонлар музейга киришади. Э. Рингнес машҳур норвеж сайёҳлари «Фрам» кемасида ўтказган саёҳатларнинг тарихини, ўша экспедицияларнинг илмий аҳамиятини сўзлаб беради.

Н. С. Хрушчев тарихий кема устига чиқади. У, кеманинг палубаси устидаги қурилмаларни, ички биноларни кўздан кечиради, штурвал ёнига келади. Денгизчилар кийимини кийган «Фрам» музейининг ходимлари Никита Сергеевичдан автограф ёзиб беришини сўрайдилар. Меҳмонлар «Фрам» кемасининг палубасида суратга тушадилар.

Машиналар яна йўлга чиқади. Улар Рассомлар уйи олдига келиб тўхтайди. Яқинда бу ерда «Норвегия—Совет Иттифоқи. Минг йил мобайнидаги муносабатлар» деган тарихий ҳужжатлар виставкаси очилди. Н. С. Хрушчев, Э. Герхардсен ва бошқа кишилар виставка экспонатлари билан қизиқиб танишадилар.

Никита Сергеевич виставкани кўришдан мамнун бўлгандигини билдириб, виставка ташкилотчиларига миннатдорчилик изҳор қилди.

Шундан сўнг Н. С. Хрушчев, Э. Герхардсен, Совет ҳукумати бошлиғининг ҳамроҳлари Осло шаҳрини бир оз сайр қилдилар. Машиналар кортежи янги уй-жойлар қурилаётган районда тўхтади. Н. С. Хрушчев билан Э. Герхардсенни дарҳол маҳаллий аҳоли ўраб олади. Ҳар қачонгидек олдинги қаторда болалар бор эди. Болаларга совет значоклари берилар экан, улар бундан севиниб кетадилар. «Ёш Норвегия мана шулар!», — дейди Никита Сергеевич ўзининг кенжатой дўстларига ишора қилиб.

Стортинг президиуми СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев билан Н. П. Хрушчева шарафига нонуштазиёфат берди.

Стортинг президенти Н. Лангхелле табрик нутқи сўзлади.

Н. С. Хрушчев жавоб нутқи сўзлади. У таъкидлаб айтдики, тинчликни мустаҳкамлаш ҳамда янги жаҳон урушининг бошланишига йўл қўймаслик борасида ҳамма мамлакатларнинг парламентлари зиммасига ғоят катта масъулият тушмоқда.

Н. С. Хрушчев турли мамлакатларнинг парламентлари ўртасидаги алоқаларнинг муҳимлигини уқтириб, бундай деди: Биз шунга чуқур аминмизки, парламент делегацияларини юбориб туриш, парламент аъзолари ўртасида алоқалар боғлаш кераклри ва ғоят фойдали ишдир.

Пировардида, Совет ҳукуматининг бошлиғи халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун, Совет—Норвегия муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун, Норвегия ва Совет Иттифоқи парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик учун қадаҳ кўтаришни таклиф қилди.

В. ХАТУНЦЕВ,
Д. ЕРШОВ.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари Берген шаҳрини бориб кўрдилар. Юқоридаги суратда Н. С. Хрушчев ва Берген шаҳрининг бургомистри Г. Хансен. Пастдаги суратда: Н. С. Хрушчев Берген шаҳридаги аквариумда. Чапда — Норвегия Бош Министри Э. Герхардсен.

АП — ТАСС ва ТАССнинг махсус мухбири В. Егоров фотолари.
(Фототелеграф орқали олинган).

ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

СОВЕТ — НОРВЕГИЯ ҚЎШМА АХБОРОТИ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Норвегия ҳукуматининг таклифига биноан, 1964 йил 29 июндан 4 июлгача Норвегияда бўлди. У, Бош Министр Э. Герхардсен 1955 йил ноябрь ойида Совет Иттифоқига борганлигига жавобан Норвегияга сафар қилиб келди.

Н. С. Хрушчев, дейилади қўшма ахборотда, Бош Министр Э. Герхардсен билан ва Норвегия ҳукуматининг бошқа аъзолари билан суҳбатлар ўтказди. Суҳбатлар вақтида халқаро аҳвол масалалари устида, шунингдек Совет Иттифоқи билан Норвегия муносабатларига тааллуқли масалалар устида кенг кўламда ва дўстона фикрлашиб олинди.

Ҳар иккала томон, деб таъкидланади ахборотда, сўнгги вақтларда халқаро вазиятдаги кескинлик маълум даражада юмшаганлигини мамнуният билан қайд қилдилар.

Улар замонавий ҳарбий техниканинг ва ялпи қирғин воситаларининг айниқса ҳозирги ривожланиш даражасини назарда тутганда, турли социал системадаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш сиёсати давлатлар ўртасидаги муносабатларни қуришга асос бўладиган сиёсатдир, деган фикрга қўшилдилар.

Ҳар иккала мамлакат ҳукуматларининг бошлиқлари, дейилади ахборотда, қаттиқ халқаро контроль остида ёппасига ва батамом қуролсизланишнинг муҳимлигини таъкидлаб ўтдилар. Шу муносабат билан томонлар қуролсизланиш ва халқаро кескинликни юмшатиш соҳасида кўрилган қисмий тадбирларнинг аҳамиятини уқтириб ўтдилар. Улар, бундан буён ядро қуролининг тарқалишига кенг халқаро битимлар тузиш йўли билан йўл қўймасликнинг аҳамиятини ҳам таъкидлаб ўтдилар.

Норвегия ҳукумати Норвегия территориясига ядро қуролини жойлаштирмаганлигини ва жойлаштириш ниятида эмаслигини Совет томони тушуниб турганлигини баён қилди. Бу позиция Европа шимолида тинчликни мустаҳкамлаш ишига қўшилган жиддий ҳиссадир.

Ҳар иккала мамлакат ҳукуматларининг бошлиқлари, дейилади сўнгра ахборотда, халқаро савдо-сотиқ проблемаларини муҳокама қилдилар ҳамда жаҳон миқёсида камситиш чораларидан ҳоли бўлган савдо-сотиқнинг ғоят кенг ривожлантирилишини ёқлаб фикр билдирдилар.

Ҳукуматларнинг бошлиқлари Совет — Норвегия муносабатларини муҳокама қилиш вақтида иккала мамлакат ўртасида яхши алоқалар мавжудлигини мамнуният билан қайд қилиб, дўстона ва тотув қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга ёрдам бериш иштиёқида эканликларини изҳор этдилар.

Ҳукуматларнинг бошлиқлари СССР билан Норвегия ўртасидаги савдо-сотиқни кенгайтиришга ҳар қайси томон куч-ғайрат сарфлайди, деган фикрга қўшилдилар. Айни маҳалда ҳар иккала мамлакат экономикаси учун муҳим аҳамиятга эга бўлган машиналар, ускуналар ва бошқа товарлар билан олди-сотди қилишни кўпайтиришга эътибор берилди.

Чегарадаги Пасвик дарёси бўйида гидроэлектростанция қуришдаги ҳамкорлик вақтида орттирилган ижобий тажрибани ҳисобга олиб ва Норвегия томонининг мурожаати муносабати билан, дейилади ахборотда, Совет томони Норвегия фирмаларининг Пасвик дарёсидаги янги гидроэлектростанция қурилишида иштирок этишига розилик берди.

Ҳукуматларнинг бошлиқлари Арктика шароитида қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги тажрибани ва илмий ютуқларни айирбошлаш фойдали бўлур эди, деган фикрга қўшилдилар.

Суҳбатлар вақтида, деб уқтириладм сўнгра ахборотда, маданият, фан ва техника соҳасида Совет — Норвегия алоқаларининг кенг кўламда бўлиши иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш учун катта аҳамиятга эгадир, деб таъкидлаб ўтилди.

Ҳар иккала мамлакат ҳукуматларининг бошлиқлари СССР Министрлар Совети Раисининг сафари ва олиб борилган суҳбатлар Совет Иттифоқи билан Норвегия ўртасидаги тотув қўшничилик муносабатларини ва ҳамкорликни давлатларнинг тинч-тотув яшаши принциплари асосида мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб таъкидладилар.

ТЕЗ, СОЗ ВА АРЗОН ҚУРАЙЛИК

Саноат корхоналари ва ускуналарини, йўл ва кўприкларни, обиҳаёт оқадиган каналлар ва сув омборларини, уй-жой ҳамда маданий-маиший муассасаларни тез, соз ва арзон қурайлик, деймиз. Бу—жанговар чақириқ ва айни вақтда муҳим ва конкрет вазифа. Қурилишларимиз коммунистик асримизга яраша бўлсин, уларда инженерлик фикрининг камолоти ва техника тараққиёти ўз аксини топсин, бинокор барпо этаётган ва барпо этадиган иншоот ва обидалар келгуси авлодлар қўлига бўёғи кўчмай етиб борсин, бинокор ўз қўли билан ўзига ва замонасига ҳайкал қўйсин. Халқ талаби, партия талаби — ана шу.

Етти йиллик объектларини ТЕЗ ҚУРИШ учун республикамизда ҳамма имкониятлар бор. Ишбилармон бинокорларимиз сафи тобора ўсиб боряпти. Қурилиш техникасининг мукаммал машина механизмлари уларнинг қўлида, уларнинг ихтиёрида. Қурилиш техникасидан янада унумлироқ фойдаланиш, қўлда бажарилаётган ишларни механизмлар зиммасига юклаш, машина-механизмларнинг икки-уч сменада ишлашига эришиш қурилишларни жадаллаштиришнинг муҳим шартидир. Бу соҳада яхши кўрсаткичларни қўлга киритган трест ва бошқармалар анчагина. «Алмаликсвинецстрой» ва 160-қурилиш трестларининг механизаторлари оғир юк кўтарадиган кранларни бир неча кундузда 14-15 соат, минора кранларини эса 10-11 соат ишлатмоқдалар. Фарғонадаги 8-қурилиш трести машинистларидан Сулаймонов ва Кузьмин, олмалиқлик экскаваторчилардан Полянов ва Баталов ўртоқлар қурилиш техникасини маҳорат билан бошқариб, юксак меҳнат унумдорлигига эришмоқдалар.

Бироқ республикамиздаги кўпгина қурилиш ташкилотларида машина-механизмлардан дуруст фойдаланилаётгани йўқ. Жумладан, 6-қурилиш трестида (бошқарувчиси Омилов, бош инженери Зайцев ўртоқлар) одимловчи кранлар бир неча-кундузда фақат беш соат ишлатиляпти, холос. Бухородаги 163- ва Термиздаги 165-қурилиш трестларида эса минора кранларининг «умри» кўпинча бекор ўтяпти. Қурилиш техникасидан унумсиз фойдаланиш қурилиш-монтаж ишлари планининг барбод бўлишига ва меҳнат унумдорлигининг пасайиб кетишига сабаб бўлмоқдаки, бунга чек қўйиш пайти келган. Зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш учун қурилиш ташкилотларида мавжуд бўлган экскаватор, бульдозер, скрейпер ва кранларнинг ҳам деганда тўртдан уч қисмини икки сменада ишлатиш, шунга яраша автотранспорт ишини ҳам қайта қуриш лозим.

Қурилишда меҳнат унумдорлигини кескин ошириш омилларидан яна бири илғорлар тажрибасини кенг ёйиш ва меҳнатни ташкил этишни кун сайин такомиллаштириб боришдан иборат. Бу жиҳатдан комплекс бригадалар сонини кўпайтириш катта аҳамиятга эга. Умуман республика қурилиш бошқармаларида комплекс бригадалар кўпайиб бораётган бўлса ҳам, Нукус, Урганч ва Термиздаги қурилиш трестларида ана шундай бригадалар тузиш ва бинокорларнинг малакасини ошириш тўғрисида жиддий ғамхўрлик қилинмаётир. Худди ана шу трестларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг амалда ўзини оқлаган усули—аккорд-мукофот системаси қўлланилмаётганлиги туфайли ҳам иш унуми паст бўлмоқда. Республикамиздаги ҳамма трест ва бошқармаларда Ҳасан Шокиров ва Мустафо Эннонов бошлиқ комплекс қурилиш бригадаларининг тажрибасини кенг ёйиш, бинокорларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш принципига қаттиқ амал қилиш даркор.

СОЗ ҚУРИШ, СИФАТЛИ ҚУРИШ — ҳар бир бинокорнинг виждоний бурчи. Токи янги уйга кўчиб кирган ҳар бир меҳнаткаш, янги корхонада ишлаётган ишчи ва инженер бинокорни фақат яхши сўз билан эсласин, «қўлинг дард кўрмасин, баракалла» десин. Лекин, афсуски, ҳали ҳам сифатсиз объектлар тиклаб, бинокорларнинг шаънига доғ тушираётган, ўз касб-корини ерга ураётган қурилиш ташкилотлари ҳам йўқ эмас. «Алмаликсвинецстрой» трестининг баъзи бошқармалари уй-жой қурилишида жиддий нуқсонларга йўл қўймоқдалар. Поп, Қарши ва Урганч шаҳарларида ҳам кўримсиз, беўхшов, палапартиш иморатлар қурган бинокорлик ташкилотлари коллективлари ўз ишларига танқидий назар солишлари, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этишлари керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пленумида, айниқса, колхозларда қурилишнинг СУРЪАТ ВА СИФАТИНИ кўтариш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди. Пленумда таъкидлаб ўтилганидек, қишлоқ қурилишларида ишни жадаллаштириш учун индустриал усулларни кенг жорий этиш, лойиҳалашни тубдан яхшилаш зарур. Ҳозир бу соҳада дастлабки қадамлар қўйилди. Бир қанча механизациялашган кўчма колонналар тузилиб, ишга тушди. Ана шу колонналарнинг унумли ишлаши, тез ва соз қуриши учун индустриал усулларни қўлланишни кўзда тутган лойиҳалар тайёрлаб бериш «Узгипросельстрой» институти зиммасига тушади. Бу институт қишлоқ қурувчиларини лойиҳаға мақтал қилиб қўймаслиги, ҳар томонлама мукаммал лойиҳалар ишлаб чиқиши лозим.

Қурилишларни кенг кўламда авж олдириб юбориш учун энг қулай фурсат—ёз ўтиб бормоқда. «Узглавстрой» ва «Главташкентстрой» қурилиш трестлари ва бошқармаларининг партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари барча қурувчиларнинг куч ва ғайратини давлат планлари ва социалистик мажбуриятларни бажаришга сафарбар этишлари зарур. Республикамизнинг катта тўйи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллигини меҳнат зафарлари билан нишонлайлик. Катта-катта саноат корхоналари, йирик ирригация объектлари ва шинам уй-жойларни муддатидан илгари қуриб битказайлик. Қўли гул бинокорнинг меҳнати ва истеъдоди, ғайрати ва санъати билан бунёд этилган гигант завод ва фабрикалар экономикамиз қудратига қудрат қўшсин, мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга, коммунистик мўл-кўлчиликни вужудга келтиришга хизмат қилаверсин!

ТУРМУШ МАДАНИЯТИ — КУН ТАРТИБИДА

3 июлда Тошкент қишлоқ область партия комитетининг пленуми одатдагидан бошқачароқ ўтди. Пленум ўзининг маданий-маиший муассасалари билан донг таратган Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Политотдел» колхозининг Маданият саройига тўпланди. Ўзбекистон КП Марказий Комитети XIII пленумининг якунлари ҳамда область партия ташкилотининг турмуш маданиятини ошириш ва ўтмиш сарқитларини тугатиш соҳасидаги вазифалари муҳокама қилинди.

Докладчи — Тошкент қишлоқ область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдураззоқов ва музокараларда сўзга чиққан ўртоқлар область партия ташкилоти партия XXII съездининг ва КПСС Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг қарорларини амалга ошира бориб, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш юзасидан муайян иш қилганини таъкидлаб ўтдилар. Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ишлаб чиқаришда ва турмушда коммунистик ахлоқ принципларига асосланган янги муносабатлар, традициялар, байрамлар, урф-одатлар қарор топиб келмоқда.

Пленум қатнашчилари таъкидладиларки, кенг қулоч ёзган коммунистик меҳнат ҳаракати янгилик учун курашда жуда катта прогрессив роль ўйнамоқда. Ҳозир бу ҳаракатда юзлаб бригадалар қатнашмоқда.

Урта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари А. Мираҳмадов, Бекобод район ижроия комитетининг раиси Э. Ҳатамов, Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози партия комитетининг секретари А. Соатов ва бошқалар пленумда сўзга чиқиб, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва турмуш маданиятини ошириш соҳасида олиб борилаётган ишларда ютуқлар билан бир қаторда жиддий нуқсонлар ҳам борлигини айтдилар. Баъзи партия ташкилотлари бир қанча ҳолларда сарқитларга қарши амалий кураш олиб бормаяптилар, жамоатчиликнинг бутун кучини ана шу сарқитларга қарши курашга отлантирмаяптилар.

Пленумда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилди. (ЎзТАГ).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«ЙЎЛ АЗОБИ»

Меҳнаткашлар депутатлари Калинин район Совети ижроия комитети «Совет Ўзбекистони» газетасида босилган (1964 йил 27 март сони) юқоридаги сарлавҳали танқидий мақолага қуйидаги жавобни юборди.

«Йўл азоби» сарлавҳали мақолада масала жуда тўғри кўтарилган. Мисолга келтирилган ўйдим-чуқур йўл Свердлов номли колхоз ва «Қорасув» сабзавотчилик совхозига қарашли бўлиб, узоқ вақтдан буён ремонт қилинмаган. Район ижроия комитети колхоз раиси Жўраев ва совхоз директори Дадахўжаев ўртоқларнинг эътиборини мақолада қайд қилинган камчиликларни тезда бартараф этишга қаратди. Йўлни ремонт қилиш ва тез кунда фойдаланишга топшириш чоралари кўрилди.

ХАЛҚ БОЙЛИГИНИ ҚАДРЛАНГ

Йигит кишига етмиш ҳунар оз дейдилар. Қўли гул, ғайратли кишилар орамизда кўп. Зероки, ҳозирги авлод — ҳар томонлама камол топган кишилар яшайдиган жамият — коммунизм сари бормоқда.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1959 йил 15 июлдаги махсус қарорида бу олий мақсад алоҳида таъкидланган. Унда раҳбар ходимлар енгил машина ҳайдашни ўрганиб олишлари кераклиги уқтирилган эди. Кўпгина раҳбар ходимлар партиямизнинг чақириғига лаббай деб жавоб бериб, ўз қарамоғидаги шофёрлар штатини қисқартирди. Бу билан давлатнинг бир неча минг сўм пули иқтисод қилинди.

Лекин орамизда ҳали ҳам бу қарорга риоя қилмаётган кишилар учрайди. Баъзи корхона ва ташкилот раҳбарлари енгил автомашина шофёрлари штатини қисқартириш масаласига етарли эътибор бермаётирлар. Областимизда олиб борилган текшириш натижасида 13 корхона ва ташкилотда ўзибўларчиликка йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Натижада давлатнинг бир неча минг сўм маблағи бекорга совурилган. Масалан, Денов районидаги икки ташкилотдан 1963 йил давомида ва 1964 йилнинг 5 ойи мобайнида қонунга хилоф равишда 3 та шофёрлик штатидан фойдаланилиб, уларга 3 111 сўм пул тўланган. Шу жумладан, «Ҳазорбоғ» совхози директори Эргашев, собиқ бухгалтер Е. Ласкова, бухгалтер Тельманов ўртоқлар ўз ихтиёрларида иккита енгил автомашина шофёри сақлаб, уларга 2 647 сўм давлатнинг маблағини берганлар. Шу райондаги Юрчи сельпосининг собиқ раиси Дўстқобулов ҳам давлат мулкига ана шундай масъулиятсизлик билан қараган. «Узсельхозтехника» Шеробод район бирлашмасининг бошлиғи Турсунов, «Бойсун» совхозининг директори Бўриев, район маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг директори Қодиров ўртоқлар ҳам қонунга хилоф равишда енгил автомашина шофёрларига ҳар ойда 63-80 сўмдан ҳақ тўлаганлар.

Давлат мулкини кўзқорачиғидай сақлаш, уни кўпайтириш ҳар бир гражданнинг муқаддас бурчи. Афсуски, буни айрим раҳбар ходимлар унутиб қўяётирлар. Термиз район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Болтаев қонунга хилоф равишда иш тутганларни тартибга чақириш ўрнига ўзи давлат мулкини совурган. У иккита енгил машина шофёри штатидан фойдаланган. Раис ўзининг бу нотўғри хатти-ҳаракатини ниқоблаш учун иккинчи шофёрга старший архитектор штати ҳисобидан пул тўлатган.

Район молия бўлимлари юқоридаги каби бебошликларнинг олдини олиш учун ҳамма чорани кўришлари керак. Токи давлатнинг ҳар бир тийини ҳисобда турсин, ундан ўз ўрнида фойдаланилсин.

Р. ЕРЕМЕЕВ,

Сурхондарё область прокурори ёрдамчиси.

Бухородаги трикотаж фабрикасининг меҳнаткашлари моҳир ишчи Ҳикмат Зарипованинг номини меҳр-муҳаббат билан тилга оладилар. Уртоқ Зарипова ҳалол меҳнат қилиб, аъло сифатли маҳсулот тайёрламоқда. Суратда: ўртоқ Ҳ. Зарипова иш устида.

А. Тўраев фотоси.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги олдидан

ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚ МАОРИФИ

Бу йил республикамизда катта байрам. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси 40 ёшга тўлади.

СССР халқларининг қардошлик оиласидан муносиб ўрин олган Ўзбекистон шу ўтган йиллар мобайнида халқ хўжалиги юксак даражада тараққий қилган, шаклан миллий, мазмунан социалистик маданияти янада гуллаб яшнаётган республикага — Совет Шарқининг машъалига айланди.

Серқуёш ўлкамизнинг катта тўйи арафасида барча соҳаларда эришилган ғалабаларга назар ташлар эканмиз, халқ маорифи соҳасидаги муваффақиятларимиз айниқса кўзга яққол ташланади.

Революциядан илгари Туркистон аҳолисининг икки процентга яқин қисмигина саводли бўлган. Эндиликда эса республикамиз ёппасига саводхон ўлкага айланди.

Ўзбекистонда совет мактаблари ташкил этишда катта қийинчиликларни енгишга тўғри келди. Мамлакат ичкарисидаги душманлар эски усул мактабларини сақлаб қолишга интилиб, совет мактабига қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Улар совет мактабига қарши ҳар хил игволар тарқатар, ўқитувчиларни, ўқувчиларни, болаларини совет мактабига юборган ота-оналарни қийнаб ўлдирардилар. Коммунистик партия ва Совет давлати раҳбарлигида, маърифат булоғидан баҳраманд бўла бошлаган аҳоли кенг қатламининг актив иштирокида бу қаршиликка барҳам берилди. Ўша вақтда совет мактабини тузиш учун зарур моддий база ҳам йўқ эди. Эски мактаб бинолари янги мактаб учун бутунлай ярамасди. Совет мактабида ўқитиш ва тарбиялаш ишини олиб бора оладиган педагог кадрлар деярли йўқ эди. Бундан ташқари, Совет мактабининг программасига жавоб бера оладиган дарсликларни, методик қўлланмаларни ва программаларни янгидан тузиш керак эди ва ҳоказо.

Бу қийинчиликларни енгишда улуғ рус халқи ва мамлакатимиздаги бошқа қардош халқлар катта ёрдам кўрсатдилар. Ўқитувчилар тайёрлашда, мактабни ўқув қуроллари билан таъминлашда, янги мактаб биноларини барпо этишда улар айниқса жонбозлик кўрсатдилар.

Партия ва ҳукуматимиз ўқитувчилар тайёрлаш соҳасида катта тадбирларни амалга оширганликлари яхши самара берди. 1924-25 ўқув йилидаёқ республика мактабларида ўқитувчилар сони 1914-15 ўқув йилидагига нисбатан 4 баравар кўпайди.

Совет мактаблари саводсизликни тугатишда катта роль ўйнади. Бунинг учун республикада нечки мактаблар, курслар очилди. 1928-29 ўқув йилида уларнинг сони 11 мингта бўлиб, уларда 360 минг киши ўқиди. Мактаблар ҳузурида катта ёшдаги болаларни ўқитадиган махсус курслар очилди. Шу йили уларда 64 минг бола ўқиди.

1930 йили мамлакатда умумий мажбурий бошланғич таълим жорий қилинди, 8 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар ўқишга тўла жалб этилди.

Мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантиришда биринчи ва иккинчи беш йиллик план вазифаларининг муваффақиятли амалга оширилиши совет мактабини янги ғалабаларга олиб келди. 1937-38 йилларда мактаблар сони 4694 тага етди. Бу даврга келиб мактаблар сони революциядан илгаригига нисбатан 29 марта, қишлоқ жойларида эса 55 марта кўпайди, ўқитувчилар сони 30 мингга етди.

Иккинчи жаҳон уруши совет мактабининг тараққиётини тўхтата олмади. Душман вақтинча босиб олган районлардан эвакуация қилинган 40 минг бола республикамиз мактабларида таълим олди. Мамлакат учун оғир бўлган уруш вақтида ҳам Коммунистик партия ва совет ҳукумати таълим-тарбия ишларини янада яхшилашга қаратилган кўпгина тадбирларни амалга оширдилар. Корхоналарда, колхоз ва совхозларда ишлаётган ўсмирларни ўқитиш учун кечки умумий таълим мактабларининг очилиши уруш шароитида ёшларнинг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишлари учун кенг имконият туғдирди.

Урушдан кейинги беш йиллик планнинг бажарилиши социалистик маданиятнинг, жумладан, совет мактабининг янгидан гуллаб-яшнаши учун яхши шароит яратди. 1949-50 ўқув йилида мактабларда умумий бошланғич таълимдан етти йиллик таълимга ўтиш имконияти туғилди. Шундан кейинги йилларда умумий ўрта таълим олишни хоҳловчилар сони тобора кўпая борди. Бунда ўрта мактабларда ўқувчи қизлар кескин кўпайганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Мамлакатда умумий мажбурий таълим жорий қилиниб, умумий ўрта таълимга ўтилиши республика маданий ҳаётида катта бурилиш бўлди.

Совет мактабининг ривожланиши олий ва махсус ўрта ўқув юртларининг кўпайишига олиб келди. Республикамиздаги 29 олий ўқув юрти, 2 давлат университети ва 85 га яқин ўрта махсус ўқув юрти совет мактаби етиштириб чиқарган ёш авлоддан кўпмингли мутахассислар тайёрлади. Масалан, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг ўзигина ташкил этилгандан то 1960 йилгача 15 минг мутахассис етиштирди, Самарқанд Давлат университетидан эса 1927 йилдан 1961 йилгача 10,5 минг киши олий маълумот олиб чиқди. 1962 йилда республика халқ хўжалигининг турли тармоқларида олий ва ўрта маълумотга эга бўлган 250 минг мутахассис ишлади.

Ўзбекистон умумий ва ўрта таълимни ривожлантириш даражаси жиҳатидан эндиликда фақат Шарқ мамлакатларига нисбатан эмас, балки Ғарбдаги капиталистик мамлакатларга нисбатан ҳам олдинда бормоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз халқ маорифини ривожлантиришда жаҳонда олдинги ўринларнинг бирида турибди.

Коммунизмга ўтиш жамиятнинг тобора маданий юксалишини талаб қилади. Бу ҳол жисмоний, ахлоқий жиҳатдан етук, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида, фан ва маданият соҳасида актив иш олиб боришга қобилиятли кишиларни тарбиялаш ва тайёрлашни тақозо этади ва совет мактаби олдига янги юксак талаблар қўяди.

Бу талабларни бажариш учун халқ маорифи системасини янада яхшилаш зарур. Шунинг учун ҳам партиямиз Марказий Комитети 1958 йилда «Мактабнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш ва мамлакатда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қонунни қабул қилди.

Бу қонунга биноан, мамлакатда саккиз йиллик биринчи ва ўн бир йиллик иккинчи босқич мактаблари ташкил этилди. Бундай мактабларда ўқитиш иши ижтимоий фойдали унумли меҳнат билан боғланган ҳолда олиб бориладиган бўлди. Ўқитишнинг ҳамма босқичларида ўқиш билан меҳнатни боғлаб олиб бориш коммунистик жамиятнинг чинакам янги, ҳар томонлама камол топган кишиларини тарбиялаш учун негиз яратди.

Партиямиз XXII съезди ва Программаси коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш, коммунистик ижтимоий муносабатларни шакллантириш ва янги кишини тарбиялаш вазифаларини қўйди, таълим-тарбия ишларини ҳар қачонгидан ҳам яхшилашнинг йўл-йўриқларини белгилаб берди.

КПСС Марказий Комитетининг 1963 йил июнь Пленуми ҳам мактаб ишига алоҳида тўхталиб, бу соҳада XXII съезд кўрсатмаларини амалга ошириш учун халқ маорифи ходимлари олдига конкрет вазифалар қўйди.

Ҳозир республикамизда партиямизнинг ана шу кўрсатмаларига амал қилиб катта ишлар қилинмоқда. Шу кунларда республиканинг 8 мингдан ортиқ мактабларида 2 миллиондан кўпроқ бола таълим олмоқда. Таълим-тарбия ишлари олиб бораётган 100 мингдан кўп ўқитувчига 494 инженер, 122 зоотехник, 1166 саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш усталари яқиндан кўмаклашмоқдалар.

Мактаблар ёш авлодни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида, коммунистик ахлоқ принциплари руҳида тарбияламоқда. Бинобарин, мактабларимиздан коммунизмнинг муҳташам биносини қурувчи муносиб кишилар етишиб чиқмоқда. Улар партиямизнинг ҳамма чақириқларига лаббай, деб жавоб бериб, халқ хўжалигининг барча соҳаларида баракали меҳнат қилмоқдалар.

Республикамизда халқ маорифининг мислсиз тараққиёти шонли Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ленинча миллий сиёсатни оғишмай амалга ошираётганлигининг ёрқин далилидир.

Р. ШАРАФИДДИНОВА,

тарих фанлари кандидати.

Нукус шаҳрида янги подстанция фойдаланишга топширилди. У ишлаб чиқарган энергиядан Кегайли районидаги хўжаликлар баҳраманд бўлмоқда. Яқинда ана шу ерда яна бир трансформатор подстанцияси ишга туширилади. 10 минг киловатт қувватли бу трансформатор подстанцияси Нукус телемарказини ва Чимбой районидаги узоқ «Қораўзак» ва «Тахтакўпир» совхозларининг бўлимларини электр энергияси билан таъминлайди. Суратда: электромонтёрлардан Эргаш Нуржонов билан Оролбой Турсунбоев подстанцияда монтажлаш ишларини бажармоқда.

М. Ильяусинов фотоси.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ»

Мирзачўл! Асрлар оша сувга ташна ётган бу чўли-малик эндиликда инсон измига бўйсунмоқда, совет кишиларининг қўли билан гуллаётган водийга айланяпти. Кейинги етти йил давомида Мирзачўлда қарийб 100 минг гектар ер ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалиги оборотига киритилди, янгидан ўн битта йирик совхоз ташкил этилди.

Журналнинг яқинда босмадан чиққан июнь сони асосан Мирзачўл ва уни боғ-бўстонларга айлантираётган совет кишиларига бағишланган. Журнал СССР «Госземводхоз»и қошидаги Ирригация ва совхозлар қурилиши Ўрта Осиё бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Е. Озерскийнинг «Мирзачўл — Ўрта Осиёда суғориладиган энг муҳим массив» сарлавҳали мақоласи билан очилади.

«Голодностепстрой» бошлиғи ўртоқ Н. Низомов янги совхозларнинг истиқболи тўғрисида мақола ёзган. Унда айтилишича, Мирзачўлдаги совхозлар бу йил мамлакатга пландаги 72.300 ўрнига, 80.000 тонна «оқ олтин» етказиб берадилар.

Шунингдек, журналда Герман Титов номли 6-пахтачилик совхозининг директори С. Усмоновнинг «Қўриқ ердаги янги пахтачилик гиганти», Сирдарё бошқармасидаги «Ленинград» колхозининг раиси Қ. Сиддоровнинг «Катта йўлимиздаги босқичлар» сарлавҳали мақолалари, Н. Ковнев, В. Кудрявцев, И. Устименко ўртоқларнинг Мирзачўл тўғрисидаги лавҳалари ҳам босилган.

Журналнинг бу сонида КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг «Средазкабель» ташкил этиш, йирик панелли уй-жой қурилишидаги камчиликлар ва уларни тугатиш, саноатда ва қишлоқ хўжалигида илғор тажриба ҳамда фан ютуқларини ўрганиш ва «Ўрта Осиё халқ хўжалиги» биринчи статистик тўпламини нашр қилиш тўғрисидаги қарорининг мазмуни ва бошқа материаллар берилган.

ЯНГИ ШИФОХОНА

Тошкентдаги Семашко номли Ўзбекистон курортология ва физиотерапия илмий текшириш институти учун янги корпус қурилди. Унда шинам ошхона, клуб ва кўтарма лифт бор. Юқори қаватда қуёш нури билан ишлайдиган алоҳида икки хона ажратилган. Шифохонада даволаш ишларида Тошкент минерал сувидан фойдаланилади. Поликлиника коллективи ҳар куни 2 минг кишига амбулатория хизмати кўрсатади.

Кейинчалик бу ерда балчиқ билан даволаш клиникаси, болалар шифохонаси ҳам ишга тушади.

А. АЛИЕВ.

ЖАМОАТЧИЛИК КУЧИ БИЛАН...

Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий Советининг шу йил февраль ойида чиқарилган қарорида касаба союзлари савдо, умумий овқатланиш ҳамда маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини доимий равишда жамоатчилик кучи билан контроль қилиши лозимлиги кўрсатиб берилган.

Бу қарорни амалга ошириш юзасидан Бухоро область касаба союз совети талай тадбирлар белгилади. Ҳозир область касаба союз совети ҳузурида 2253 кишидан ортиқ жамоатчи контролёрлар бор. Булар областдаги савдо, умумий овқатланиш ҳамда маиший тармоқларни контроль остига олиб, бу соҳадаги айрим камчиликларни бартараф қилишда фаол қатнашмоқдалар. Совет ҳузурида 60 кишидан иборат тўрт контроль комиссия ташкил қилинган. Шунингдек, бошқармалардаги маҳаллий касаба союз комитетлари ҳузурида ҳам бундай комиссиялар ишлаб турибди.

Савдо ва умумий овқатланиш бўйича комиссияга Волков, маданий-маиший хизмат бўйича комиссияга Шахнович, автомобиль транспорти бўйича комиссияга Назаров бошчилик қилмоқдалар. Улар ишни намунали уюштирганлар. Клуб мудири Алимов, пенсионер Мўминов, шофёрлардан Евсеев, ишчи-хизматчилардан — Гизатулин, Кузнецов, Ҳамидов ва Кашукова каби кўпгина жамоатчи контролёрларимиз борки, улар топшириқларни бажонидил бажараётирлар.

Уларнинг кучи билан бир қатор камчиликлар бартараф қилинди. Масалан, контролёр Умаров Шофрикон бошқармасидаги 1-ошхонани текшириб, ошпаз Тошев маҳсулотлардан уриб қолаётганини, Ғиждувон бошқармаси марказий ошхонасидаги сомсапаз С. Вафоев сомсани калькуляциясиз пишираётганини аниқлади. Кўзбўямачилар ўз қилмишларига яраша жазоланди.

Жамоатчилар ўз манфаатини кўзловчи, халққа хиёнат қилувчи айрим кишиларга қақшатқич зарба бераётирлар.

Р. МУАЗЗАМОВ,

Бухоро область касаба союз советининг инструктори.

ВЦСПС ПРЕЗИДИУМИДА

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИГА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАБ БЕРАЙЛИК

Экономика мавж уриб ўсиши билан бирга, ишчилар сафи ҳам узлуксиз кенгайиб бормоқда. Ўтган йилнинг бир ўзидагина турли касблар бўйича профессионал-техника ўқув юртларида тайёрланган 800 мингдан кўпроқ ёш ишчи мамлакат халқ хўжалиги корхоналарига келди. Бундай ўқув юртлари шохобчалари анча кенгайтирилди. 1964—1965 йилларда бу ўқув юртларида бир ярим миллиондан кўпроқ кишини ўқитиш мўлжалланди.

Аммо, профессионал-техника таълими системасида кадрлар тайёрлаш мамлакатнинг малакали кадрларга бўлган ва ўсиб бораётган талабларини ҳали қондиролмаётир. Ёш ишчиларга таълим бериш планлари кўпинча халқ хўжалигидаги энг муҳим тармоқларнинг ва, аввало, химия, целлюлоза-қоғоз саноати, химия машинасозлиги ва бинокорлик материаллари саноатида ишга туширилалиган объектларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олмай тузилмоқда.

ВЦСПС президиумининг «Профессионал-техника ўқув юртларининг ўқувчиларига таълим бериш ва уларни тарбиялашни яхшилаш соҳасида касаба союз ташкилотларининг вазифалари тўғрисида»ги масалани муҳокама қилган мажлисида шу тўғрида гапирилди. Айрим ҳолларда ўқув программалари, дарсликлар ва бошқа методик ҳужжатлар таълим мақсадларига ва ишлаб чиқаришнинг ҳозирги талабларига муносиб эмаслиги қайд қилинди. Ўқув юртларига қабул қилиш ва уларда тарбия ишларини ташкил этиш соҳасида жиддий камчиликлар бор.

ВЦСПС президиуми касаба союзлари советлари ва комитетларига профессионал-техника таълими органлари билан биргаликда кўрсатиб ўтилган камчиликларни тугатиш ва ёш ишчиларни тайёрлашни тобора такомиллаштириш чораларини кўришни топширди. Химия ва целлюлоза-қоғоз саноати, химия машинасозлиги ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда қурилишлари учун малакали ишчиларни ўқитиб тайёрлашга алоҳида эътибор бериш лозим. (ТАСС).

ҲИКОЯ

1.

Апрелнинг ўн учинчи куни Маҳфуз Муҳаммад Сидқийнинг юзига қора суркалди: у — «персон нон грат»[1]. Элчихона хизматчиларидан бири: «Сидқий жаноблари энди сиёсатда ўлган одам» деди. Яна бир киши: «Элчихона маслаҳатчиси, инженер Сидқийнинг қуёши сўнди...» деган. Бу гапларнинг ҳаммаси жаноб Маҳфуз М. Сидқий қулоғига етиб келди. Унинг икки чеккаси бигиз санчгандек зирқираб оғрирди — таблетка ютар, диванга чўзилиб уҳ тортар, ғазабдан муштумини қисар... бари-бир бефойда! Ҳар қандай ғаму қайғуни ютиб юбора оладиган Сидқий бу сафар енгилганга ўхшайди. Масаланинг ғоятда жиддийлиги ўз-ўзига таскин беришга мутлақо йўл қўймасди. У йигирма тўрт соат ичида Британиядан чиқиб кетиши керак! Элчи Фавзий аш Шафиий жанобларининг бу воқеадан ниҳоятда ранжигани ва охир ҳамма сафолатхоналарда ҳукм сурадиган совуққонлик йўлига ўтиб олгани Сидқийга таъсир қиларди. Элчи юрагида Британия маъмурларига нисбатан норозилик алангаланган бўлса ҳам, у мутлақо сездирмасди. Куннинг иккинчи ярмида катта залга қирол Форуқ суратини илишди — миллий байрамга тайёргарлик кўриларди. Сидқий элчи аш Шафиийнинг тепса тебранмас, минг ерига пичоқ урса бир еридан қон чиқмас, хирп одам эканини биларди, лекин у жўнаш олдидан ватандоши билан очилиб бир гаплашишни жуда истарди.

Аслида воқеа бундоқ бўлган: лорд Гордон Майкл ота-боболари удумини қилиб, овчи сифатида Африкага жўнади. Катта пул эвазига фил отди. Кийик шохи ва ўлдирилган қоплоннинг бошига сомон тиқиб уйига — деворга осиб қўйди. Олди-қочди журналларнинг бирида «оқ танлиларнинг қаҳрамонлигини» (яъни ўзи — Майклнинг) тасвирловчи узун саргузаштнома ёзди. Орадан яна бир йил ўтгач у хотини, икки қизини олиб Африкага — ёввойи ҳайвонлар овига жўнади. Бу сафар унинг Чангали-мозандарондаги «қаҳрамонликлари»ни кинооператорлар суратга олишди. Қўлига найза ушлаган ерли халқ бадавийлар экани, улар аҳлан қолоқ — «маймун билан одам оралиғидаги жониворлар» эканини кўрсатди. Шу қора танлиларга пул бериб, бир тўда филларни тарс-тарс отиб қулатганини ҳам кинога олдирди... Унинг сафарида қора танлилар «содиқ қул» сифатида атрофида юрди... Қора танлиларнинг камситилиб, ҳақоратлангани баъзиларни ранжитди. Гордон Майклнинг китобини ўқиб, фильмини кўрган Сидқийнинг қони қайнаб, ниҳоятда ғазабланди. Бу разиллик ҳақида катта мақола ёзиб, Мисрга юборди. Қаҳр-ғазаб билан ёзилган мақола босилиб чиққач, бу ишдан хабардор доиралар Сидқийга бўҳтон ёғдира бошладилар. Элчихонадагилардан кимдир Гордон Майклнинг Уинстон Черчилль министрларидан бирига жуда яқин кимса эканини айтган. Қадимий маданиятга эга халқ фарзанди эканлиги билан фахрланувчи Маҳфуз Сидқий кейинги пайтда Гайдпаркдаги йиғинлардан бирида Майкл фильми ирқчиликни тарғиб қилишини, африкаликларни камситиш — мустамлакачилик эканини айтди.

Ҳамма бўлган гап шу.

Сидқийни Британия ташқи ишлар министрлиги «Номатлуб шахс», — деб атаб, мамлакатдан тезда чиқиб кетишга даъват этди. Ўша кунлари «Сидқий воқеаси» анча шов-шувга ҳам сабаб бўлди, илғор фикрли инглиз адибларидан Шоу, Олдридж бу ишга қарши чиқдилар.

II.

Сидқий эрталаб Қоҳирага учишга ҳозирлик кўрарди. Хотини Сурияхоним диванда миқ этмай ўтирар — ўлик чиққан уйдек хоналар сукут ва ғам ичида. Эрининг ҳадеб мисрликлар ёнини олаверганн унга ёқмасди. «Қўйиб берса, ўз арабларимиз бирини-бири ейди, шу рўдапо, қаланги-қасанғилардан инглизлар минг марта афзал. Сизнинг ўзингизга тегмадими, нима қиласиз уларга тегиб» дерди. Лондон ҳаётига ўрганиб қолган Сурияхоним жўнашни истамасди. У, Лондон эмас, элчи аш Шафиий билан хайрлашишни асло истамасди... У Қоҳирага — отасига хат ёзиб, бу ишнинг олдини олмоқчи ҳам бўлди, лекин элчидан

1. «Номатлуб одам». Бошқа давлат кишиси бу мамлакатга зид ишлар қилганида шу сўз билан бадном қилиниб, ҳайдалади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ • 2

5 ИЮЛЬ 1964 ЙИЛ
№ 155 (12.809).

ТУРСУНОЙ ВА ТУРСУНОЙЧИЛАР

ҲАР ТАРАФГА таралган дала йўллари. Майин шабада барқ уриб ўсаётган кўм-кўк ғўзалар, суяги қотмаган гўдакдек эгилувчан ниҳолларни аста тебратади.

— Мана шу ариқдан пасти Турсунойга қарашли ерлар,— деди ҳамроҳимиз.

Довруғи бутун мамлакатга ёйилган машҳур Турсуной Охунова бошчилик қилаётган 9-бригаданинг 83 гектарлик яхлит пайкали ўқариқлар билан уч картага бўлинган: биринчисига сув таралянти, иккинчиси кўндалангига ҳамда узунасига культивация қилиняпти, учинчи участка эса қониқиб сув ичиб олган, хамирдай етилиб турибди.

ЙИГИРМА саккиз гектарли пайкал. Эгатларда симоб каби ярқираб оқаётган зилол сувнинг салқини кўнглингизга ором бахш этади. Эгнида оқ яктак, похол шляпали икки киши эгатларни синчиклаб қараб юрибди. Сувнинг яхши оқаётганига маҳлиё бўлиб турган нуроний деҳқон билан танишдик. Умарали Холматов экан бу киши.

— Ҳорманг, отахон, ҳосил қалай?

Мўйсафид худди шу саволни кутиб тургандек, кўзлари чақнаб кетди:

— Ҳосил дейсизми? Тўйга муносиб бўлади!— Ота шундай деди-ю, гапни бошқа ёққа буриб юборди:

— Ёшим олтмиш иккида. Чорак асрдан бери сувчилик қиламан. Манави участкани 19 йилдан буён суғораман. Аммо, мен сизга айтсам, ҳамма нарса раҳбарга боғлиқ экан. Одил Эрматов деган бригадиримиз бўлган шу ерда. Жонни жабборга бериб меҳнат қилардик. Йил бўйи тер тўкиб ишлаб, борйўғи 16-17 центнер ҳосил кўтарардик. Даромад ҳам шунга яраша бўларди, болам. Бултур шу ерга умрнинг узоқ бўлгур лочин қизимиз келди. Қарабсизки, 38 центнердан пахта бердик.

Балки, Турсуной ўзининг бултурги бригадасидаги одамлар билан ёппасига кўчиб ўтган деб ўйларсиз бу ерга? Зинҳор ундай эмас. Тракторчи Сервер Бекиров, сувчилардан Холдор Каттабеков билан Аҳмадали Жўраев бирга келишди, холос. Қолган ўн беш колхозчи шу бригадада бошқа бригадир билан ишлаб келган.

Йил бошида Т. Охунова бригадаси аъзолари ҳар гектаридан камида 35 центнердан «оқ олтин» олишга аҳд қилган эдилар. Чигит бехато, қийғос униб чиқиб, 2-4 тадан чинбарг ҳосил қилгач, дастлабки режаларни қайтадан кўриб чиқишга тўғри келди.

— Уттиз беш эмас, қирқ центнер ҳосил кўтариш мумкин! — дейишди улар.

Яқинда бригада ғўзалари чамалаб чиқилди. Бир гектарда 93 минг туп ниҳол, ҳар уяда эса 3-4 тадан кўчат борлиги аниқланди. Колхозчилар қатъийлик билан: қирқ эмас, қирқ беш центнердан пахта берамиз, демоқдалар.

БРИГАДАНИНГ узунасига ва кўндалангига ишланаётган картасига ўтамиз. Механизаторлардан Отаназар Султонов билан Сервер Бекиров қатор ораларини тобида юмшатмоқдалар.

Тушки овқат пайти. Колхозчилар шинамгина безатилган дала шийпонига тўпланишди. Пахтакорлар соя-салқин шийпонда ҳордиқ чиқарадилар. Моҳир пазанда Туҳфа опа Жўраева тайёрлаган лаззатли таомни тановул этгач, аччиқ чой ичиб ўтирадилар.

ПАРНА АБДУРАИМОВ бундан уч йил муқаддам Турсуной Охунова бригадасида тракторчи бўлиб ишларди. Турсуной қолоқ участкага ўтиб ишлай бошлагач, ёш коммунист Абдураимовнинг ҳам қалби бонг урди. Правлениега, партия ташкилотига мурожаат қилиб: «Мени ҳам қолоқ бригадага юборинглар», деди. Илтимоси ерда қолмади. Парна Турсунойнинг янги бригадаси пайкали билан ёндош 8-бригадага бошлиқ қилиб тайинланди.

Парнабой вақт-вақти билан Турсунойнинг даласига ўтиб, устозининг ҳар бир ҳаракатини кузата бошлади. Ер шароити бир хил эмасми, ҳамма ишни Турсунойга эргашиб қила бошлади, баравар қадам ташлади. Натижа ёмон бўлмади. Илгари ҳосили 17,4 центнердан ошмаган 80 гектар майдондан ўтган йили 34,2 центнердан ҳосил кўтарди.

ИЮННИНГ УРТАЛАРИ. Раис одатдагидек эрталаб пайкалларни кўздан кечириб юриб, бешинчи бригада шийпонига яқинлашувди ҳамки, бир киши унинг йўлини тўсиб чиқиб:

— Раис, Султонбой, суюнчи беринг!— деди.

— Узи нима гап? Нимага суюнчи?

— Ғўзам гул кўрсатди, гуллади!

— Қани, қаерда?

Шуни айтадилар-да, «шошганда лаббай топилмас», деб: Ҳожибек ака Тўлтабоев қанча уринмасин, терлаб-пишиб гул қидирмасин, тополмади уни. Бирон белги қўймаганига сал ачинган бўлди-ю, уялганича қолаверди. Бироқ ўчакишгандай, гул раис жўнаган заҳоти топилди. Ҳожибек ака узун таёқчани ўша жойга суқиб қўйди.

Куни неча ўша пайкалда бўлдик.

— Қаранг, ғуж-ғуж-а!— дейди Ҳожибек ака шод жилмайиб,— ҳар тупда 2-3 тадан кўсак бор.

Ҳожибек ака икки йилдан буён оила аъзолари билан биргаликда 10 гектар майдондаги ғўзани парвариш қилади. Бултур бу азамат гектаридан 53,7 центнердан пахта етиштириб, давлат хирмонини бойитди. Бу йилги аҳди — 55 центнер!

Унинг ён қўшниси, 4-бригада звено бошлиғи Мадраим ака Камолбоев ҳам бултур 14 гектар майдоннинг гектаридан 42 центнердан ҳосил олган бўлса, бу йил республика тўйига 50 центнердан пахта ҳадя этиш ниятида.

* * *

Янгийўл бошқармасидаги Киров номли колхознинг ҳамма бригадаларида республикамиз ва Узбекистон Компартиясининг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун қизғин кураш боряпти. Новатор механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова жавлон уриб ишлаётган колхозда шу долзарб кунларда ҳақиқий меҳнат симфонияси жўш урмоқда.

Ҳ. ТОЖИБОЕВ.

Киров номли колхознинг Ҳожибек Тўлтабоев бошлиқ звеноси аъзолари 50 центнерлик хирмонни кўзлаб ишламоқдалар. Звено участкаларида ғўза кўсаклай бошлади. Суратда: ўртоқ Ҳ. Тўлтабоев.

А. Тўраев фотоси.

Шеробод бошқармасидаги «Партия XXII съезди» колхозининг Тилов Рўзимуродов бошлиқ маккажўхорикорлар бригадаси 110 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан дон ва 800 центнердан кўпроқ олиш учун экинни намунали парвариш қилмоқда. Суратда: бригада бошлиғи, агроном Тилов Рўзимуродов маккажўхоризорда.

Х. Маматқулов фотоси.

РАИС НОШУД БЎЛГАЧ...

Ўртоқ Иноят Нуров ким билан учрашмасин, қайси йиғилишда сўзламасин, колхозга раис бўлиб келганидан буён ҳосилдорликни оширганлигини, хўжаликни «кўтарган»лигини гапираверио, қўйнингизни пуч ёнғоққа тўлдирмоқчи бўлади.

Навоий ишлаб чиқариш бошқармаси ва партия комитети раҳбарлари ҳам ана шу баландпарвоз гапларга учган бўлсалар керак, И. Нуров раис бўлган «Қизил Ўзбекистон» колхозида бир неча йилдан буён пахта тайёрлаш планининг бажарилмай қолаётганлигига эътиборни жалб этмаяптилар. Қолоқлик сабабларини ўрганмаяптилар.

Бундан фойдаланган раис эса ўз билганича иш тутиб, уруғ-аймоқчиликка йўл қўймоқда. Колхоз партия ташкилотининг секретари, бош агроном, бош бухгалтер ва бошқа муҳим лавозимларда И. Нуровнинг қариндош-уруғлари ишлаётганлиги фикримизнинг исботидир. Бунинг устига у Тоғой Дониев, Норхол Дониева, Қамбар Азимова, Руқия Азимова сингари қариндош-уруғларини ҳам енгил-елпи ишларга қўйган. Контролликнинг бўшлигидан фойдаланган И. Нуров ҳаддидан ошиб, маишатбозликка берилиб кетган. Унинг маст бўлиб, бир неча кунлаб колхоз ишига қатнашмаганлиги ҳақида кўпгина сигналлар бор.

— Ҳай, ҳай, раисимизнинг камчилигини асло айта кўрманг, — дейди колхозчилардан бири. — Балога қоласиз, сўнгра бошингиз ғавғодан чиқмайди.

Ҳа, раис танқидни ёқтирмайди. Агар танқидни бўғиш каби ярамас ҳоллар рўй бермаганида, колхоз ишлаб чиқаришини изга солиб юбориш учун ички резервлар ва техника воситаларидан тўла фойдаланиш мумкин бўларди. Илғорлар тажрибаси, қўшни хўжаликлар эришаётган ютуқлар буни кўрсатиб турибди.

Колхоздаги баъзи бригадаларда гектаридан 25-28 центнер пахта олингани ҳолда, кўпчилик бригада ва звеноларда ҳосилдорлик 12-16 центнердан ошмаётир. Қолоқ бригадаларни илғорлар даражасига кўтариш, дала ишларида механизмлар кучидан тўла фойдаланиш қўшимча равишда яна 406 тоннадан кўпроқ пахта етиштириш имконини берган бўларди.

Афсуски, ўтган хўжалик йилида бундай бўлмади. Бунга даставвал, колхозчилар меҳнатини пухта ташкил этмаслик, дастлабки парваришни кечиктириб юбориш, ғўзанинг нормал қалинликда бўлишини таъминламаслик сабаб бўлганлигини колхозда ҳеч ким инкор этмайди. Ана шу жиддий хатоларнинг бу йил ҳам такрорланаётганлигини кўриб-билиб турган раҳбар ўртоқлар эса негадир лом-мим демаяптилар. Шу кунларда ишга ярокли 1164 колхозчидан ҳар куни 100-150 киши далага чиқмаяпти. 500-600 колхозчи эса кунлик нормасини бажара олмаяпти.

Бунинг устига колхозчилар ишга кеч чиқиб, эрта қайтадилар. Биз далада бўлган куни Ҳайдар Ботиров, Берди Имомов, Тилов Аҳмедов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда худди шу манзарани кўрдик.

Шоди Тиловов, Номоз Элов, Раҳим Хушев, Бозор Мадатов, Норқул Исломов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг катта майдонларидаги ғўзаларига ҳашарот жиддий зарар етказган. Шунингдек, 200 гектар ердаги ғўзалар бегона ўтлар орасида қолган. Бироқ ҳашаротга қарши кураш ва бегона ўтларни йўқ қилиш ишлари пайсалга солинмоқда.

Ҳар куни олинаётган сув билан колхоз бўйича 80-100 гектар ўрнига атиги 45-50 гектар ернинг ғўзаси суғорилмоқда. Сувдан тўғри ва тежаб-тергаб фойдаланилмаяпти, сувчиларга қулай шароит яратиб берилмаган. Ғўзани бостириб суғориш ҳоллари содир бўляпти.

Колхозда механизацияга қарши кайфиятлар ҳукм сурмоқда. Колхоз раиси ўртоқ И. Нуров ғўза қатор ораларини ишлашда кўпроқ қўл кучидан фойдаланиш ҳақида топшириқ берган. Йирик карталарга эга бўлган бригадаларни бўлиб юбориб, механизмлардан фойдаланиш йўлида сунъий ғовлар вужудга келтирган. Масалан, Зокир Ҳакимов, Расул Қаҳҳоров, Бозор Мадатов, Бўлан Ҳамроев, Шоди Тиловов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг ҳар бирида бор-йўғи 30-40 гектар пахта майдони бор, холос. Бу ҳол механизаторларнинг унумли ишлашига ҳалал етказмоқда. Колхоздаги 42 та чопиқ тракторидан ҳар куни 20-23 тасигина ишлайди. Уларнинг фақат 10 тасига «СУЗ» аппаратлари ўрнатилган.

Колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Худойқул Шарипов колхоз раиси Нуровнинг югурдагига айланиб қолган. Шунинг оқибатида партиявий-ташкилий ишлар сусайиб кетган. Партия ташкилоти ҳисобидаги 94 коммунистнинг кўпчилиги партия топшириғига эга эмас. Партия йиғилишлари белгиланган вақтларда ўтказилмайди, айниқса, сиёсий-оммавий ишлар деярли унутиб қўйилган. 22 далачилик бригадасидан фақат иккитасидагина дала шийпони бор.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти хотин-қизлар орасида сиёсий-тарбиявий ишларни олиб бориш, уларни раҳбарлик вазифаларига кўтариш ишларига панжа орасидан қараб келмоқдалар. Ўтган йил хотин-қизлардан Очил Ўринова, Малика Қурбонова, Ҳумор Бобонорова ўртоқлар бригада бошлиғи бўлиб ишлаган эдилар. Кейинчалик бу аёллар ҳеч асоссиз бригадирликдан четлатилдилар. Бу йил эса хотин-қизлардан битта ҳам бригада бошлиғи йўқ.

Қисқаси, колхоз раиси Иноят Нуров манманликка, маишатбозликка берилиб, хўжаликка яхши раҳбарлик қилолмаётир. Унинг бу «қилиқ»лари колхоз учун жуда қимматга тушяпти.

М. БАҚОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ГИДРОПОНИКА ОММАЛАШМОҚДА

КПСС Марказий Комитети февраль Пленумида ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг гидропоника шарофати ҳақидаги сўзидан кейин, республикамиз колхоз-совхозлари, илмий муассасалари, ҳатто завод, фабрикалар ҳам деҳқончиликнинг бу янги, прогрессив усулига қизиқиб қолдилар. Тошкент областининг Калинин бошқармасидаги Картошка ва сабзавот илмий текшириш институти ҳамда Ленин номли колхозда ҳозир гидропоника иншооти қурилиб битказилди. Институт ва колхоз кузддан бошлаб гидропоника участкасига бодринг, помидор ва бошқа сабзавот, полиз экинлари экмоқчи. Шу бошқармадаги Карл Маркс номли ва «Қизил Узбекистон» колхозлари, «Партия XXI съезди», «Қорасув» совхозлари, Қўқондаги Муқимий номли колхоз, Қорақалпоғистон АССРдаги «Нукус» совхози ҳам гидропоника иншоотларини тайёрлаб, экин экишга ҳозирлик кўрмоқда.

Қишлоқ хўжалигидаги бу янги усул фақат қишлоқларга эмас, шаҳарларга ҳам тез ёйилмоқда. «Чирчикхиммаш» заводи, Тошкент олий партия мактаби, Бирлашган нашриёт хўжаликларида гидропоника усулида экин экишга ҳозирлик кўрилмоқда.

Хуллас, тупроқсиз сабзавот, полиз экинлари етиштириш учун бошланган ҳаракат яхши натижа бермоқда ва кенг қулоч ёймоқда. Республика бўйича ҳозир 20 дан ортиқ колхоз, совхоз, корхона ва муассасалар гидропоника иншоотларини экин экишга тахт қилиб қўйдилар.

Ҳ. НОСИРОВ.

ТУРКМАНИСТОН МАШЪАЛЛАРИ

Ҳар бир республиканинг ўз машъаллари бор. Чоржўйни Туркманистоннинг машъал бошқармаси дейишади.

Чоржўйликлар бу йил 16788 гектар ерда пахта, катта майдонларда сабзавот ва бошқа экинлар етиштиришяпти. Улар ҳар гектар ердан 26 центнердан ортиқ, ҳаммаси бўлиб 41000 тонна пахта, кўп миқдорда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш мажбуриятини олишган.

Ўзбекистон пахтакорлари ўзаро текшириш бригадаси аъзоларининг бир группаси ана шу машъал бошқарма хўжаликларида бўлдилар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, республика Олий Советининг депутати, тажрибали пахтакор ўртоқ Жума Ҳакимов раҳбарлик қилаётган «Партия XX съезди» колхози далаларидаги яхши парвариш туфайли серҳосил бўлиб ўсаётган ғўзалар ўзаро текшириш бригадаси аъзоларида жуда яхши таассурот қолдирди. 1680 гектар майдондаги ғўза мавж уриб ўсяпти. Бу йирик хўжаликнинг қайси бригадасида, пайкалида бўлманг механизаторлар, сувчилар катта кўтаринки руҳ билан меҳнат қилаётганликлари, Туркманистон ССР ва Туркманистон Компартиясининг бу йил байрам қилинадиган 40 йиллик тўйига ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил етиштириш учун олинган юксак мажбуриятни бажариш учун зўр матонат билан кураш олиб бораётганликларининг гувоҳи бўласиз.

Ўртоқ Иброҳим Мўминов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадасида иш жуда намунали ташкил этилган. Ҳар бир колхозчи, механизатор ўз зиммасидаги масъулиятни тўла ҳис этган ҳолда меҳнат қиляпти, механизмларнинг кучидан, ўғит ва сувдан тўғри фойдаланиш учун ҳаракат қиляпти. Шу туфайли 100 гектар майдондаги ғўзанинг ҳаммаси уч марта комплекс парвариш қилинган. Ҳозир тўртинчи культивация жадал олиб бориляпти. Бригадада ғўзани суғоришга алоҳида эътибор бериляпти. Янгибой Ҳожиев бошчилигидаги 10 сувчи ҳар бир туп ғўзанинг қониб сув ичишини таъминламоқда. Механизаторлар Урин Эргашев, Эргаш Маматқулов ва Файзулла Арслоновлар эса ер етилиши биланоқ пешма-пеш культивация қилишяпти, экинни минерал ва маҳаллий ўғитлар аралашмаси билан озиқлантиришяпти.

Ишнинг бу зайлда пухта ташкил этилиши ҳозироқ яхши натижа берган. Барча майдондаги ғўза ёппасига гуллаган. Бу, гектаридан 35 центнердан пахта етиштириш ҳақида берилган ваъдага яраша иш қилинаётганининг далилидир.

«Москва» колхози пахтакорларининг бу йилги шароитда кўчатнинг текис бўлиши, тўла гектар учун олиб борган курашлари жуда яхши натижа берган.

Бошқарма хўжаликларида суғоришнинг прогрессив усули кенг қўлланилмоқда. Халтурин номли колхознинг Уғилой Жумаева бошлиқ бригадасида экин пластмассадан ясалган сифонлар билан суғориляпти.

Қайси бир туркман пахтакори билан суҳбатлашманг, деҳқончилик маданиятини ошириш, прогрессив агротехникани қандай қилиб кенг жорий этиш ҳақида қизиқиб гапирганини кўрасиз. «Мўл ва арзон маҳсулот етиштириш учун курашамиз» — қардошларимизнинг шиори шундай.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Ашхобод.

Хатларингизга жавоб берамиз

ЎЗБОШИМЧАЛИК ҚИЛИНМАСИН

«Совет Узбекистони» газета редакциясига Урта Чирчиқ бошқармасидаги Свердлов номли колхоз аъзолари йўллаган хатда правление раиси Х. Латипов коллегиал раҳбарлик принципига риоя қилмаётгани, молия-хўжалик интизоми бузилаётгани қайд қилинади. Редакция хатни Тошкент қишлоқ область партия комитетига юборди ва унда келтирилган фактларни текшириб кўришни илтимос қилди. Область партия комитетидан олинган жавоб хатида бундай дейилади:

Область партия комитети Х. Латипов устидан тушган материал бўйича текшириш ўтказди. Текширишда колхозда молия-хўжалик интизоми бузилганлиги аниқланди. Текшириш якуни Урта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг бюро мажлисида муҳокама этилиб, Х. Латиповга партия ҳисобот карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинди.

ЧАЙҚОВЧИГА ЎРИН ЙЎҚ

Меҳнаткашлар депутатлари Бухоро область Совети ижроия комитети жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ К. Муродов редакцияга йўллаган хатда қуйидагилар баён этилган:

«Совет Узбекистони» газета редакциясидан юборилган хатни олдик. Жамоат тартибини сақлаш область бошқармаси ходимлари ва кўнгилли халқ дружиначиларидан иборат бригада тузилиб, чайқовчиларга қарши рейд ўтказилди. Бухоро шаҳрида турли маркадаги мотоцикл ва велосипедларнинг запас қисмлари билан олиб-сотарлик қилган 19 чайқовчи ушланиб, иши халқ суди ва ўртоқлик судига оширилди. Хат жамоат тартибини сақлаш область ва шаҳар бошқарма ҳамда бўлим бошлиқлари орасида муҳокама қилиниб, чайқовчиликка қарши курашни кучайтиришга қаратилган тадбирлар белгиланди. Бу ҳақда шаҳар ва район милиция бўлимларига тегишли кўрсатма берилди.

ЕР ЧИЗИБ ҚОЛДИ

Қаровсизлик орқасида анчагина қўй-қўзи нобуд бўлди. Ем-хашак тўплаш, концентрат озуқани ташиб олишга етарли эътибор берилмаяпти. Бош зоотехник Шарипов ва ферма мудири Ғузоров ўз вазифасига совуққонлик билан қараяпти. Аҳвол шундай давом этаверса чиқим кўпайиши мумкин. Масалага редакциянинг аралашувини сўраймиз.— Ғузор районлик меҳнаткашлардан олинган хатда шундай дейилади.

Редакция хатни Ғузор ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетига юборди ва партком секретари К. Маҳмудов имзоси билан жавоб хати олди. Унда бундай дейилади:

«Ҳамон эътиборсизлик» сарлавҳали хатда кўрсатилган фактлар текширишда тўла тасдиқланди. Текшириш якуни партқомнинг бюро мажлисида муҳокама қилиниб, қўй-қўзиларнинг нобуд бўлишига йўл қўйгани учун «Деҳқонобод» совхози қўйчилик фермасининг мудири Ғузоров вазифасидан олиб ташланди. Уни жиноий жавобгарликка тортиш учун материаллар судга оширилди.

бунинг фойдаси йўқлигини билиб, тарвузи қўлтиғидан тушди.

Эрталаб самолёт парвоз этди — Сидқий, Сурияхоним, қизи Нагуа билан Европа устида учиб боришарди; улар ғоятда ғамгин — ичларига чироқ ёқса ёримасди. Майклнинг иркчиликдан иборат китобини қоралайман, деб унинг ўзи қораланиб қолди; ҳақиқат қаёқда! Сидқий ўйлар, тез-тез чекар, самолётнинг безовта учаётганига ҳам эътибор бермасди. Наҳотки тўғри гапни айтиш обрўсини бир пул қилса? У, бу мартаба-ю обрўга игна билан қудуқ қазиб етишган эди — Коллежни тугатгач, қурилишда ишлади, ундан сўнг университетни не-не машаққатлар билан тамомлади. Ёш инженер Искандарияда, порт қурилишида ишлади. «Сергайрат, ҳушбичим, қобилиятли йигит»ни жаноб Ҳамдий ўзига куёв қилган эди. Кейинчалик у Европага — элчихонага хизматга юборилди. Мисрликлар манфаатини кўзлаб иш қилишни ўз бурчи деб биларди. Мана, оқибат нима бўлди! Сидқий кўз олдида Қоҳирадаги дўсту душманлари пайдо бўлди; бир қисм одамлар: «Фаллоҳ боласига жабр бўлибди, етдим деганда йиқилибди» дегандек бўларди. Энди Хуха қишлоғидаги уруғлари, мункайиб қолган онаси қайғуради-да! Хухадан чиққан ўқимишли киши — ёлғиз Сидқий эди. Унинг номи бирон газетада пайдо бўлиб қолса, каттадан кичик қувониб фахрланишарди. Қишлоқда кимки бор ўзини Сидқийга «уруғ» тутарди. Аммо Қоҳирадаги рақиблари «Фаллоҳ ўғлига ортиқча ишониб юборилган эди, мана оқибат!» дейдилар, албатта. Ҳатто «Сидқий деган аблаҳ ватанини сотибди...» деган гаплар ҳам тарқаши мумкин. Айниқса Абдултовфиқ учун гап топилди — у кучининг борича айюҳаннос солади. Бу мафкуравий рақиб инглизлардан ҳам ёмон душман эди; у Сидқийнинг йўталганини ҳам таъқиб қиларди. Шу кунларда Қоҳирага бориш — Исмоилия шаҳри яқинидаги Тимсоҳ кўлида чўмилиш билан баробар; уни бурдалаб еядиган «тимсоҳлар» тўлиб ётибди. Лекин, барибир ватанига боради!..

Сидқий осмонда, булутлар устида ўй сурарди. Ҳадемай ерга тушади. У бир сесканиб қўйди.

Аэропортда уларни биргина қайнағаси кутиб олди; у ҳам опаси Сурияхоним учун чиққан эди. Сидқий — «қиличи синиб, қалқони тешилган, мағлуб» дипломат икки зил чемоданни кўтариб қайнатасиникига тушди. Бўлган гапни жаноб Ҳамдийга айтиб ўтирмади ҳам, чунки у ҳамма гапни эшитган экан. Бир неча бор ташқи ишлар министрлигига борди, лекин жаноб Ҳамадоний қабулига киролмади. Майда амалдорларнинг айтишича «жаноб министр банд» эмиш. Орадан уч кун ўтгач, Искандарияга отланди — қандай бўлмасин қирол қабулига кирмоқчи бўлди. Лекин қайнатасининг энсаси қотиб: «Ҳеч уринманг, фойдаси йўқ. Мен ўзим сизга айтиб қўяқолай, тентак бўлмасангиз иттифоқчимиз инглизлар билан олишасизми! Сизни қирол ҳам, министр ҳам қабул қилмайди, сиз — сиёсатда ўлган одамсиз» деди. Сидқий ҳангу манг бўлиб қолди. У она шаҳри Луксорга жўнамоқчи эканини Сурияхонимга айтди. Хотини ҳам ундан жирканганлек, жавоб қайтарди:

— Мен Қоҳирада қоламан...

— Қизим Нагуа мен билан борсин, — деди Сидқий масалага тушуниб, — ахир мен қизимсиз туролмайман, юрагим узилиб кетади.

— Нагуа бормайди! У менинг ҳам қизим!

Сидқий эрта билан чемоданини кўтариб, катта хонага кирди. Бунда мотамсаро турган Сурияга яқинлашди, бир ёстиққа бош қўйган хотинини сўнгги бор ўпиб хайрлашмоқчи бўлди. «Қўйинг, ҳожати йўқ...» деди юзини ўгириб Сурия. Сидқий жаҳаннамга тушиб кетгандек бўлди, лабларигача оқариб ерга қаради. Шундан сўнг, ташқарига чиқди; фонтан ёнида ўйнаб юрган қизини қучиб, пешонасидан ўпди-да, вокзалга жўнади...

III.

Катта, сершовқин шаҳар хиёбонлари одамлар билан гавжум. Асфальт кўчаларда ғизза-ғизза машиналар югуради. Магазинлар, маҳкамалар... йўлкалар тўла одам; илгари шу одамлардан ажралиб, форд машиналарида виқор билан ўтирадиган «жаноб Сидқий» ҳозир мана инқиллаб, чемодан кўтариб бормоқда. Унинг ёнида ўн фунт пули, қўйнида паспорти ва инженерлик дипломи. Бошқа ҳужжатларини топширган. Шу лаҳза онасининг: «Ўтники ўтга, сувники сувга...» деган ҳикояси ёдига тушди. Ҳа, у ҳам қайиғи ағдарилиб, мол-мулкидан ажраган савдогар кунига тушган. Ҳаммаси ҳам майли, аммо Сурияни ундан юз ўгиргани қалбини қиймалади. Наҳотки унга эрининг амали керак бўлса! Шунча йил яшаб, гўзал Сурия қалбини билолмаган экан. Содда экан! Унинг кўзига ҳамма нарса сохта кўриниб кетди; бутун Қоҳира ҳам қоғоздан ясалган театр декорацияларига ўхшарди. Одамларнинг ҳаммаси — қаллобларга ўхшаб кетди.

Сидқий эртаси куни қош қорайганда Луксорга етди. Нилдан паром билан ўтиб, юк машинасида қишлоғи Хухага кириб келди. Эшикда қучоқ очиб кутиб олган онаси олти йил мобайнида мана, биринчи бор қучиб, пешонасидан ўпди; «Хафа бўлма...» деди у ҳол-аҳвол сўрашганларидан сўнг. Газетада у ҳақда чиққан хабардан қишлоқ огоҳ бўлганлигини дарҳол пайқади. Эртасига Маҳфуз Сидқий келганини эшитган қариндошлар, қўшнилар, таниш-билишлар келиб ҳол сўрашди. Қишлоқ оқсоқоли ҳам унга кўнгил кўтарадиган гаплар айтди. У Сидқийнинг «гуноҳи» нима эканлигига тушунмай, «иним, сен фаллоҳдан чиққансан, бизда катта пул йўқ. Бу замонда пулдорлар амалдор бўлади. Қўй, хафа бўлма» деб қўяқолди.

Орадан бир йил ўтди. Сидқий қишлоқ ҳаётига кўникди. У илгаригидай тахи бузилмаган костюму сарочка киймай, анча содда, ҳатто юпун кийинарди. Бора-бора кунда соқол қириш ҳам йўқолди. У ҳамма нарсага кўникди. Лекин бир нарсага асло кўниколмасди; қизи Нагуани кўрмай ҳеч туролмади. Уни эслаганда капкатта одам ҳўнг-ҳўнг йиғларди. Ҳамма вақт ёнида қизининг кулиб турган суратини олиб юрарди. У икки бор Қоҳирага бориб, қизини кўрди. Бу учрашувларнинг бири — жаноб Ҳамдийнинг ҳовлисида — фонтан бўйида, иккинчиси — кўчада бўлди. Кейинчалиқ қоровул ҳовлига киришга ҳам йўл бермади.

... Шу йили ёз ойларида мисрликлар ҳаётида янги воқеа юз берди — Форуқ салтанати ағдарилиб, жумҳурият тузилди. Бу воқеа Сидқийнинг музлаган танига ҳарорат берди; у бошқа ёш зиёлилар қатори мамлакат ишларига жалб этилди. Катта ер эгалари типирлаб, фаллоҳларга жон кирди. Сувайш қанали устида бўлган урушда Сидқий қўлига қурол олиб, Порт Саид мудофаасида қатнашди. Урушдан кейин уни Асвонга — Садд ал Али қурилишига юборишди. Бу ерда инженер Сидқий тўғон қурилишида совет мутахассислари билан қўлни-қўлга бериб ишларди.

IV.

Чексиз қумликлар абадий жимлиги аро карахт оқувчи Нилнинг уйқуси бузилди — икки томонда экскаваторлар, автомашиналар шовқини. Икки ярим минг йил аввал худди шу ерда фиръавнлар жанги бўлган эди. Қуллар, асрлар Нил бўйига Рамзес учун Карнак қасрини солишган... Илиб, оҳиста буралиб оқаётган Нил жунбушга келди. Чанг ва шовқин ичида минг-минг одам ишлайди; улар ичида Сидқий ҳам бор. Енги қисқа кўйлак, бошига панама-қалпоқ кийиб олган Сидқий деривация канали қурувчиларига раҳбарлик қиларди. Унинг тиними йўқ, чарчар, лаблари пўст ташлаб ёрилган, елкаларида қурум. У руҳан жуда тетик, унинг елиб-югуриши, у қилаётган иш халқи учун жуда кераклигини биларди. Совет мутахассисларининг олижанобликлари унинг ғайратига-ғайрат қўшарди. Иш битгач, Совет Иттифоқига саёҳат қилиш нияти ҳам бор эди унда. Ҳа, у совет кишилари учун «номатлуб одам» эмас, у ўртоқ, дўст...

Асвон қурилиши тугалланишига Совет ҳукуматининг бошлиғи Никита Сергеевич Хрушчев ва президент Жамол Абдил Носир келади, деган гап барча қурувчиларни ҳаяжонга солди. Трассаларда, бош тўғонда, ҳамма ерда Хрушчев ва Носир портретлари, СССР ва Бирлашган Араб Республикасининг байроқлари ҳилпирарди.

Май кунларида, Асвонда икки улкан байрам бир-бирига қўшилди — муваффақият ва қардошлик. Катта митингдан сўнг, икки давлат бошлиқлари қурилиш илғорлари билан учрашишди. Президент Совет ҳукумати бошлиғига бир неча илғор қурувчиларни таништирди. Улар орасида инженер Сидқий ҳам бор. У, Никита Сергеевич билан қадрдонларча илиқ омонлашди. Хрушчев уларни катта муваффақият билан табриклади.

— Президентимиз Совет Иттифоқининг олижаноб ёрдами ҳақида барча араблар юрагидаги сўзни айтди, — деди Сидқий ҳаяжонланиб, — мен бу ерда энг яхши дўстлар орттирдим. Ҳа, дўсти кўп одам дунёда энг бой одам. Ташаккур, Совет Иттифоқига ташаккур!

Шу кунлари Бирлашган Араб Республикаси ва СССР ордени билан мукофотланган Сидқий портрети «Ал Гумҳурия» газетасида босилди. Орадан уч кун ўтгач, у Қоҳирадан хат олди. Хат уч сўздан иборат бўлиб, ҳисоб дафтарининг варағига ёзилган эди — «Ота, табриклайман, Нагуа». Сидқий бир муддат бу уч сўзга тикилди. Кичик Нагуасининг биринчи синфда ўқиётганини билди. Беихтиёр унинг кўзларига ёш келди; суюкли, жажжи қизи уни «ота» деб атабди. Унинг бийрон овози ҳам қулоғига эшитилиб кетди. Дарҳол ёнидан Нагуанинг уч яшарлигида тушган суратини олди. Қизининг кулиб турган кўзларига, сочидаги лентага, капалак гулли кўйлагига тикилди. «Нагуа! Жоним қизим, отангнинг юзига қора суркалгани йўқ, мистер Майкл хато қилади! Сенинг отанг «персон нон грат» эмас, у юртини севади. Юрти манфаатини кўзлаш инсоний бурчидир»,— деди ичида. Ўсиб, ақли кириб қолган Нагуа ҳам: «Сизнинг юзингизга ҳеч ким қора сурколмайди, юзингиз Миср офтобидек ҳаммавақт порлаб туради» дегандек бўлардии...

1964 йил, июнь.

Маданият ва истироҳат

«ХУШ КЕЛИБСИЗ!» ДЕЙДИ ГУЛЛАР

Ун тўрт гектарли боғ. Шундан 6 гектари гулзор. Латиф жийда гулини эслатувчи муаттар ҳид димоғингизга урилади. Боғни сайр қилар экансиз «Хуш келибсиз», «Ўзбекистон 40 ёшга тўлади» деган лавҳаларга кўзингиз тушади. Бу юрак сўзларини Наманган гулчилари муҳтарам дам олувчиларга атаб гуллардан ёзишган. Бу ерда гуллар:« Хуш келибсиз!» дейди, гуллар: «Марҳамат!» дейди, гуллар, яхши дам олинг, сиҳат-саломат бўлинг, фидокорона меҳнатдан кейин маданий дам олинг, дейди.

Юринг сизни ҳам шу боғ билан таништирайлик. Мана бу асрий чинорлар соясида ўқиш зали, шахмат-шашка базаси, тир жойлашган, санитария-маориф уйи бор. Мана бу кўлда моторли қайиққа тушиб маза қилиб сузишингиз мумкин. Борди-ю, сиз дам олгани гулдек фарзандларингиз билан келган бўлсангиз қўлингиздаги фарзандингизни меҳрибон, мушфиқ кишиларга топшириб қўйишингиз мумкин. Улар кимлар дейсизми? Муҳтарама оналар, пенсионерлар, жамоатчи мураббийлар. Жамоатчилик асосида ишлайдиган боғча, яслида фарзандларингиз ухлаши, ўйинчоқларни ўйнаб, овуниб ўтириши мумкин.

Нарироққа борсак кино лекторий, ёзлик кинотеатр, болалар майдончаси, спорт майдончаси, чойхона, ошхоналар, аттракционлар, ҳамма-ҳаммаси сизга мақтал, ҳамма-ҳаммаси сизнинг кўнглингизни оламан деб турибди.

Шаҳар боғидан «Гул узманг! Фалонча сўм жарима», каби табличкалар олиб ташланганига бир неча йил бўлди. Наманганликлар боғдаги гулларни кўп йиллардан буён ўзлари эъзозлаб ўстирадилар. Шундай экан, киши ўзи ўтқазган гулни ўзи бенорга узармиди.

Паркда гулхоналар 26 бўлакка бўлиб қўйилган. Буларнинг бири шаҳар яқинидаги «Ленинград» колхозининг гулхонаси. Бу ерда Ҳамид Абдуллаев гулчи, 3-ўрта мактаб, ёш натуралистлар станцияси, ипак тўқиш фабрикаси, 5-ўрта мактаб, ғишт заводи ва бошқа корхона, муассасаларга қарашли гулхоналар ҳам кишининг ҳавасини келтиради. Боғдаги гуллар қулф уриб, яшнаб турибди.

Бу ерда гулчиларнинг устози — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном Абдуқаҳҳор ака Жалилов, унинг шогирдлари Нуриддин Ҳамдамов, Абдуқодир Розиқов, Солихон Носиров, Миртожи Иброҳимов ўртоқларнинг хизматини, улар гул ишқида терлаб-пишиб меҳнат қилаётганлигини алоҳида айтмай бўлмайди.

Наманган боғида 6500 тупдан ортиқ атиргул бор. Гулларнинг хили 140 дан ортади.

Наманганликлар ўз боғларини севадилар. Наманган боғи 1962 йилда ҳам, 1963 йилда ҳам СССР Маданият министрлиги ва «Известия» газеталарининг биргаликда ўтказган парклар кўригида биринчи даражали диплом олди, «Иттифоқда энг яхши парк» деган номга сазовор бўлди.

Боғ чинакам маданият ва тарбия ўчоғига айланган. Бунинг учун яқинда ўтказилган бир кеча мисол бўла олади. Бу кечага Наманган шаҳар партия комитети, боғ ходимлари, айниқса «Қизил Шарқ» маҳалласи аҳолиси яхши тайёргарлик кўрди. Кечанинг номи «Бугун боғда «Қизил Шарқ» маҳалласи дам олади» деб аталди. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллигига бағишланган бу кечада маҳалла агитация-пропаганда группасининг раҳбари, мактаб директори Раҳмонжон Отахонов «Қизил Шарқ» маҳалласининг 40 йиллик тарихини сўзлаб берди. Утмишда маҳалла аҳолиси ёппасига саводсиз эди. Энди ҳамма саводхон. Ҳозир шу ерда яшаб турган кишилардан 65 киши олий маълумотли, шулардан 15 киши врач. Медицина фанлари докторлари Эргаш Отахонов, Сайфиддин Шамсиддинов ўртоқлар ҳам шу маҳалладан.

Кишилар фаровон ҳаёт кечирмоқдалар. Уйлар янги, куйлар янги. Кўчалар асфальтланган, хонадонларга телефон, радио, телевизор, газ туширилган. 401 хонадонга водопровод ўтказилган.

Саксон икки яшар Тўрабой ота Набиев сўзга чиқиб:

— Чироғларим, гулдек ҳаётимизнинг қадрига етайлик. Биз инқилобдан илгари қул эдик. Ленин замонида одам қаторига қўшилдик. Бахтимиз бор экан, шундай улуғ, ёруғ кунларга етиб келдик. Бунинг учун Ленинга раҳмат, партияга раҳмат! — деди.

Ана шу сўзларда маҳалла аҳолисининг фикрлари ифодалангандир. Зарифа Каримова сўзга чиқиб, бадиий буюмлар фабрикасида меҳнат қилаётган аёлларнинг 70 проценти шу маҳаллада истиқомат қилишини айтди. Ёш шоир Нуриддин Бобохўжаев шеър ўқиди. Шу маҳаллада узоқ вақт яшаган Ўзбекистон ССР халқ артисти Раззоқ Ҳамроев дўстларига санъатчилар саломини топширди.

Кечада маҳаллалик номаълум, камтар қаҳрамонларнинг номлари тилга олинди. Кеча ёшлар учун катта тарбия мактаби бўлди. Эртаси куни маҳаллада икки ёшнинг тўйи ўтказилди. Тўй ниҳоят кўнгилли бўлди.

Наманган боғида бундай кечалар тез-тез ўтказиб турилади.

«Атиргул байрами», «Химиклар дам олиш куни», мавсум охирроғида ўтказиладиган« Лирика кечаси», «Қовун сайили», «Янги уй муборак» деган кечалар Наманган маданият ва истироҳат боғи коллективи жамоатчи коммунистлар, комсомоллар, зиёлилар, кекса пенсионерлар билан бамаслаҳат қилаётган катта ишдан бир шингил, холос.

Боғда хушёрлик тўғрисида, медицина ҳақида суҳбатлар уюштирилади. Оғзаки журнал чиқарилади, карнаваллар, турли қизиқчилар тез-тез ўтказиб турилади. Буларнинг ҳаммаси меҳнат аҳлининг яхши дам олишига, уларнинг дидини, завқини оширишга одамларни коммунистик руҳда тарбиялашга қаратилгандир.

Паркнинг нариги томонида ҳаммамизга таниш улуғ сиймо — Владимир Ильич Ленин кулиб турибди. Бу Наманган гулчилари ижодининг чўққиси дейиш мумкин. Гулчи Абдуқаҳҳор ака меҳнаткашларнинг меҳр-муҳаббатини гул билан ана шу достонда ифодалашга муяссар бўлган.

Дарҳақиқат, Наманганнинг кекса бир гулчиси айтганидек, гул ўзининг латофати, муаттар бўйи билан кишини ўзига мафтун қилади, кўзга қувонч, дилга ҳузур бахш этади, табиатга меҳр-муҳаббат уйғотади, инсонларни ҳар ерда, ҳамма вақт худди ўзидек гўзал, чиройли, латиф бўлишга ундайди.

Чамамда, мен Наманган боғини унча таъриф қилолмадим. Яхшиси ўзингиз бу реал жаннатга марҳамат қилинг. Гуллар тилга кириб: «Хуш келибсиз», деганини ўз қулоғингиз билан эшитасиз, ўз кўзингиз билан кўриб, қувонасиз.

Ҳамид НУРИЙ.

«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.



Суратда: А. С. Пушкин номли Наманган шаҳар боғининг умумий кўриниши.

Ш. Османов фотоси.

КЕЧА республикамизда

СЕЛЕКЦИОНЕР-ТЕХНОЛОГЛАР СЕМИНАРИ

Пахта селекцияси ва уруғчилик институтининг аспиранти ўртоқ Б. АЗИЗОВ хабар қилади: республикамизнинг Бухоро, Хоразм, Сирдарё, Тошкент уруғчилик хўжаликларининг ходимлари ўз малакаларини ошириш ҳамда пахта толасининг узунлиги, пишиқлиги ва бошқа технологик кўрсаткичларини аниқ ва технологик процессларни янги такомиллашган усулда ишлашни ўрганиш мақсадида семинарга тўпландилар. Семинар ишига институт пахта толаси технологияси лабораториясининг мудири М. Канаш раҳбарлик қилаётир.

ЯНГИ МАГАЗИН

— ПОЙТАХТ И М И З НИНГ ОКТЯБРЬ РАЙОНИДАГИ «ОКТЯБРЬ 40 ЙИЛЛИГИ» МАҲАЛЛАСИДА, — ДЕБ ЁЗАДИ ТОШКЕНТЛИК ИШЧИ МУХБИР О. ИБРОҲИМОВ. — ЖАМОАТЧИЛИК ЁРДАМИДА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛАДИГАН ЯНГИ МАГАЗИН ИШГА ТУШИРИЛДИ. ШУНИНГДЕК, АБДУЛЛА НАБИЕВ ВА 1-ЧИМБОЙ КЎЧАЛАРИГА ЖАМОАТЧИЛИК ЁРДАМИ БИЛАН АСФАЛЬТ ЁТҚИЗИЛДИ.

ОЛАМ ЯНГИЛИКЛАРИ

А. И. МИКОЯН БИРМАДА

РАНГУН, 3 июль (ТАСС). Бирма ташқи ишлар министри У Ти Хан бугун СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян шарафига нонушта-зиёфат берди. Зиёфат эркин ва дўстона вазиятда ўтди.

Куннинг иккинчи ярмида А. И. Микоян Совет Иттифоқининг Бирмага совғаси сифатида Рангунда қурилган технология институтини бориб кўрди. У кутубхона ва ўқиш залини, совет ускуналари билан жиҳозланган лабораторияларни, мастерской ва лекция залларини зўр қизиқиш билан кўздан кечирди.

А. И. Микоян студентлар билан суҳбатлашди, уларнинг ўқиши билан қизиқди, совет студентлари, совет институтлари тўғрисида ва СССР даги таълим ишлари ҳақида гапириб берди. Бирмалик йигит ва қизлар Совет Иттифоқидан келган меҳмоннинг гапини зўр эътибор билан тингладилар.

Бу йил институт ўзининг тўртинчи ўқув йилини бошлади. Ҳозир унда 1.200 студент бўлиб, улар инженерлик, бинокорлик ихтисосларини ва Бирманинг ривожланаётган саноатига зарур бўлган бошқа касбларни эгалламоқдалар. Ўқитувчилар орасида ўз тажриба ва билимларини бирмалик дўстлар билан баҳам кўришга тайёр бўлган совет кишилари бор.

Ўқув корпусини кўздан кечиргандан сўнг А. И. Микоян институт раҳбарлари ва информация министрлигининг вакиллари билан суҳбатлашди. Суҳбат давомида улар маориф системасини ташкил қилиш масалалари юзасидан фикр олишдилар.

А. И. Микоян Совет Иттифоқининг совғаси сифатида Рангунда қурилган меҳмонхонани ҳам бориб кўрди.

Кечқурун Революцион кенгаш раиси генерал Не Вин А. И. Микоян шарафига зиёфат берди. Зиёфатда Революцион кенгаш ва Бирма Иттифоқи ҳукуматининг аъзолари ҳамда олий мансабдаги расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

НОРВЕГИЯ КУТУБХОНАСИГА ТУҲФА

ОСЛО, (ТАСС). СССР Министрлар Совети Чет эллар билан маданий алоқалар давлат комитетининг раиси С. К. Романовский совет адабиётларидан тузилган кутубхонани СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев номидан туҳфа қилиб, Осло шаҳридаги университет кутубхонасига топширди.

Кутубхона директори Х. Тветерос бу туҳфа учун Совет ҳукуматининг бошлиғига чуқур миннатдорчилик билдирди. У, университет студентлари ва кутубхонанинг бошқа китобхонлари орасида совет адабиётига қизиқиш зўрлигини ва кучайиб бораётганлигини айтди.

С. К. Романовский билан Осло шаҳри университетининг ректори, профессор Х. Фогт совет университетлари билан Норвегия университетларининг ҳамкорлигини кенгайтириш хусусида фикрлашиб олдилар.

МАРТИНИКА КОММУНИСТЛАРИ БУЗҒУНЧИЛАРНИ ҚОРАЛАМОҚДА

ПАРИЖ, 3 июль. (ТАСС). Мартиника коммунистлари Хитой раҳбарларининг халқаро коммунистик ҳаракатдаги бузғунчилик фаолиятини қораламоқда.

«Юманите» газетасининг хабар беришича, Мартиника Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида бир овоздан резолюция қабул қилинган. Резолюцияда, жумладан, бундай дейилади: «Мартиника Коммунистик партияси Марказий Комитети коммунистик партияларнинг аксари кўпчилиги билан биргаликда Хитой раҳбарларининг кирдикорларини қатъиян қоралайди. Хитой раҳбарлари халқаро демократик ташкилотларнинг сафларини бузишга ҳамда омманинг ҳаракатларига раҳбарлик қила олмаслигини ва пролетар интизомига бўйсуна олмаслигини кўрсатган ҳар хил шахслар (партиядан ўчирилган ренегатлар, троцкийчилар, авантюристлар)нинг гуруҳчаларидан «марксчи-ленинчи партиялар» деб аталмиш партиялар тузиб, баъзи мамлакатлардаги коммунистик партияларни қўпоришга уринмоқдалар».

«Мартиника Коммунистик партияси Хитой раҳбарларининг бу туҳматчиликдан иборат хуружларини ва бузғунчилик кирдикорларини асло қўллаб-қувватламайди,— деб таъкидланади Мартиника Коммунистик партияси Марказий Комитетининг резолюциясида. — Бу хуружлар ва кирдикорлар империалистларнинг тегирмонига сув қуймоқда ҳамда бутун жаҳон революцион ҳаракатига ва, жумладан, ўз миллий озодлиги учун курашаётган халқларга жуда катта зарар етказмоқда».

ЧЕТ ЭЛЛАРДАН ҚИСҚА ХАБАРЛАР

● Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан, Руминия Ишчи партияси Марказий Комитетининг делегацияси дўстлик визити билан бу ерга келди. Делегация составида Руминия Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Н. Чаушеску, Руминия Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Руминия Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Могиорош ва бошқа раҳбар арбоблар бор.

● Прага ва Жазоир делегациялари Чехословакия билан Жазоир Халқ Демократик Республикасининг пойтахтлари ўртасида дўстлик шартномасини имзоладилар.

● «Поларис» ракеталари билан қуролланган Американинг «Генри Клей» атом сув ости кемаси Хамптон-Родс (Виржиния штати) бухтасида соҳилга келиб урилди. Сув ости кемасига ёрдам кўрсатиш учун чақирилган шатакларга уни саёз жойдан чиқариш учун икки соат вақт талаб қилинди.

● Туркиянинг Қора денгиз соҳилида жойлашган Зонгулдак кўмир ҳавзаси шахталаридан бирида ҳаво компрессорининг портлаши натижасида шахтёрлардан 6 киши ҳалок бўлди.

● «Кения овози» деб аталган янги радиостанция ишлай бошлади. Бу — Кения ҳукумати национализация қилган хусусий «Кения бродкастинг корпорэйшн» базасида ташкил қилинган давлат радиоэшиттириш компаниясидир. (ТАСС).

ФУТБОЛ

БУ САФАР— ДУРАНГ

Соат 19 да репортер радио орқали ҳисобнинг майдон эгалари фойдасига 1:0 (тўпни «Локомотив» командасининг ҳужумчиси Каратаев киритган эди) эканини айтганда, радио олдида ўтирган минглаб ўзбекистонлик футбол ишқибозларининг ҳаяжонини тасаввур қилиш қийин эмас эди. Наҳотки «Пахтакор» иккинчи даврада учинчи марта мағлубиятга учрайди, наҳотки пешқадамликни қўлдан беради, наҳотки моҳир ҳужумчи Г. Красницкий ҳам ўйинда бурилиш ясай олмаса деган хаёлларга чўмиб турилганда қувончли хабар эшитилди. Ўйиннинг 72-минутида Б. Абдураимов тепган тўп дарвозага бориб тушади. Ҳисоб 1:1! Шундай қилиб, «Пахтакор» 18 очко тўплаб ҳамон турнир жадвалининг энг олдида бормоқда.

А. МАЪЗУМОВ.

И. П. ПОГОРЕЛКО

Тошкент медицина институти урология кафедрасининг собиқ мудири, КПСС аъзоси, медицина фанлари доктори, профессор Иван Пантелеймонович Погорелко тўсатдан вафот этди.

Иван Пантелеймонович 1917 йилда Полтавада деҳқон оиласида туғилди. У Свердловскда ўрта маълумот, Куйбишевда эса ҳарбий медицина академиясини 1941 йилда тугатиб, олий маълумот олди. И. П. Погорелко Ватан уруши бошланишидан охиригача армияда хизмат қилди. Улуғ Ватан урушида қатнашганлиги учун «Қизил юлдуз» ордени ва бир неча медаллар билан мукофотланди.

Сўнгра И. П. Погорелко врачлар малакасини ошириш Марказий

институти факультетларидан бирига юборилди. Бу институтни тамомлагач, 1950 йилгача Н. Н. Бурденко номли Бош ҳарбий госпиталнинг хирургия бўлимида ординатор бўлиб ишлади.

Армия сафидан бўшагандан кейин Иван Пантелеймонович С. Б. Боткин номли врачлар малакасини ошириш касалхонаси ҳузуридаги Марказий институтнинг ординатори бўлиб ишлади. 1955 йилда эса Тошкент медицина институтининг урология курси бўйича конкурсда доцент қилиб сайланди. Бу ерда И. П. Погорелко докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади ва медицина фанлари доктори илмий даражасини олди.

И. П. Погорелконинг ташкилотчилик қобилияти Тошкентда айниқса яққол намоён бўлди. У қисқа вақт ичида юз ўринли янги урология клиникаси барпо қилди, уролог врач кадрлар тайёрлади ва шу тариқа Ўзбекистонда урология ёрдамини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Марҳум 50 дан кўп илмий асарлар ёзган эди.

И. П. Погорелко сўнгги йилларда СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги врачлар малакасини ошириш Марказий институти урология кафедрасининг бошлиғи бўлиб ишлади.

Ажойиб медик, дилкаш ўртоғимиз И. П. Погорелконинг образи қалбимизда ҳамиша сақланади.

Бир группа ўртоқлари.

ФЕЛЬЕТОН

РЕМОНТ ҚИССАСИ

Сами АБДУҚАҲҲОР

Бир сир-муаммони бир неча ойдир,
Ечолмай қийналар Каромат кампир.
Езганди ариза райижрокомга,
Муҳтож эди кампир тахтаю қумга.
Зарур ремонт қилиш, уйни тузатиш,
Ўтди аризалар билан ёзу қиш...
Мана, баҳор чиқиб, бир кун эрталаб,
Бир ходим келди-ку, одам етаклаб.
Деди: — Қани, кампир, ремонт бошлаймиз,
Нима қилиш керак — назар ташлаймиз!
Шундай деб тўрт одам роса текширди,
Бош қашиб, эснашиб, ахир кеч кирди.
Ташлаб кетиб бир жуфт бўёқли челак,
Эртаси ҳеч кимдан бўлмади дарак.
Кампир уста кутар, эшикда кўзи,
Бир ёққа кетолмас, дардисар ўзи...
Уч кун ўтиб келди уста-тўртовлон,
Мокидай қатнашиб, уришиб жавлон —
Уйдан барча юкни чиқишди ташиб,
Кейин жўнаб қолди тўртови шошиб...
Шундан сўнг устадан бўлмади дарак,
Фақат турар бир жуфт бўёқли челак.

Кампир жиҳозига тўла кенг ҳовли,
Биров хабар олмас — не кечди ҳоли?
Шундай қолди кампир боғланиб иссиз,
Энди-чи, арзга ҳам чиқолмас, эсиз...
Яна кунлар ўтди. Кампир кўп ҳайрон,
Қақур-құқур тўла ҳовлию айвон.
Бир кун келиб қолди уста челакка,
— Иш бошла! — деб кампир қўймас йўлакка.
Уста сирли кулди, бошин чайқади:
— Қизиқсиз-а, хола!... (кампир пайқади).
Иш бошлаганмиз, ху қўшни ҳовлида,
Ремонт, ямоқ, шувоқ — бари авжида!
Учрашинг бошлиққа, ремонт битар тез,
Қуруқ бормасангиз қуруқ қайтмассиз! —
Уста сирли кулди, бошин чайқади:
— Қизиқсиз-а, хола!..

Кампир пайқади...

* * *

Яқинда ўтдим мен кампир ёнидан,
Кўп кетганга ўхшар пул ҳамёнидан.
Гулдай ремонт бўпти кампирнинг уйи,
Уч ойлик пенсия кетди шу куйи...

ТОМОШАЛАР. ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

5 ИЮЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 11.00—**Эрталабки гимнастика машғулоти**. 11.20—**Концерт** (болалар учун). 11.55—**Революция номи билан** (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 13.20—**Ўтинчининг бахти** («Эртак кетидан эртак» циклидан).

Рус тилида: 14.00—**Олтин донлар** (илмий-оммабоп фильм). 14.20—**Кубань тонглари** (Краснодар телестудияси фильми). 17.00—**Мультипликацион фильм** (болалар учун). 17.25—**Телевизион янгиликлар**. 17.40—**Реклама ва эълонлар** (ўқишга кирувчилар учун). 17.50—**Концерт** (Озарбайжон радио ва телевидение эстрада оркестри ижросида). 18.40—**Новости дня** киножурнали ва **Гусар қиссаси** номли бадиий фильм. 20.20—**Беҳуда ўтган ёшлик** (илмий-оммабоп фильм).

20.40—**Эшиттиришлар программаси**

Ўзбек тилида: 20.45—**Истиқбол эгалари** (телевизион журнал). 21.45—**Телевизион янгиликлар**. 22.00—**Совет Ўзбекистони** (киножурнал). 22.10—**Ўзбек куйлари**.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари**.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/VII да кундуз **Боғчасарой фонтани**, кечқурун **Риголетто**, 7/VII да **Пан воевода**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРНИНГ ЁЗГИ БИНОСИДА — **Огаҳий номли Хоразм театри гастроллари** — 5/VII да **Бир ғунча очилгунча**, 6/VII да **Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам**, 7/VII да **Концерт** (икки бўлимда). Спектакль кеч соат 9 да бошланади. Касса кундуз 12 дан очилади.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Диққат! Шаҳарда сеҳргар — «ВАТАН» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 2 ва кеч 10 да), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз 3 да).

Париж сирлари — «ВАТАН» (кундуз соат 4, кеч 6 ва 8 да), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Банкда ишловчи қиз — «МИР», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ДРУЖБА» (1 ва 2-залда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да), «ЮЛДУЗ» (кундуз 5, кеч 7 ва 9 да).

Румянцев иши — НАВОИЙ номли (кеч соат 10 да).

Севги қиссаси — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва кеч 6 да).

Калоян — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Москва бўйлаб (кундуз соат 5 гача), **Хуана Гальо** (кундуз соат 5 дан) —«ЁШ ГВАРДИЯ».

Денгиз сўнмоғи — «ДРУЖБА» (эрталаб соат 11, кундуз 1, кеч 7 ва 9 да 1-залда).

Г. С. ТИТОВ НОМЛИ

Республика махсус спорт мактаб-интернати

1964/65 ўқув йили учун
5, 6, 7, 9, 10-синфларга

ЎҚУВЧИЛАР
(ўғил ва қизлар)
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқувчилар ўрта умумий таълим мактаби программаси ҳажмида билим оладилар, юқори малакали спортчи кўникмасини ҳосил қиладилар ва спорт турларидан: гимнастика (спорт гимнастикаси, бадиий гимнастика, акробатика), енгил атлетика, сузиш ва футбол бўйича жамоатчи кадр бўлиб етишадилар.

5-синфдан 11-синфгача ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Мактаб-интернатга кирувчи болалар умумий таълим предметларидан яхши баҳога эга бўлишлари лозим. Шу билан бирга улар жисмоний ва махсус тайёргарликдан имтиҳон топширадилар.

Мактаб-интернатни тамомлаганлар ўзлари хоҳлаган олий ўқув юртига кирадилар.

Мактаб-интернатда асраш ҳақи—умумий тартибда.

Қабул қилинганлар ётоқ, овқат, спорт формаси ва кийим билан таъминланади.

Мактаб-интернатга кирувчилар ота-оналари томонидан ёзилган аризада қайси бўлимга кирмоқчи ва қайси тилда ўқимоқчи бўлганликни кўрсатиб, қуйидаги ҳужжатларни қўшиб берадилар: соғлиғи ҳақида 26-форма медицина карточкаси, ўзлаштириш табели, спортдан тайёргарлиги ҳақида ҳужжатлар, спортчининг классификация билети, БГТО ва ГТО нормасини топширганлик гувоҳномаси, грамоталар, дипломлар, туғилганлик ҳақидаги гувоҳноманинг асл нусхаси, оилада ишловчиларнинг иш жойидан иш ҳақи (пенсия, алимент, давлат нафақаси) кўрсатилган справка, турар-жойдан (қарамоқда бўлган оила аъзолари ва уларнинг ёши кўрсатилган) справка, 6х9 сантиметр катталигида иккита фотокарточка.

Аризалар 1 августгача қабул қилинади, кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача ўтказилади.

Адрес: Тошкент шаҳар-54, Боғистон массиви (15, 31-автобуснинг «Мактаб-интернат» остановкаси).

Редактор ўринбосари
Ҳ. НУРУЛЛАЕВ.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 27221 Пропаганда — 31226. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши —33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот—32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

«Совет Ўзбекистони», «Правда Востока» ва «Ҳақиқати Ўзбекистон» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.
Р. 09110. ИНДЕКС — 64543. № Б — 155.